

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№3 (27)
2016



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Улугбек Суннатов
Ҳақимбой Халимов
Муротжон Азимов
Шўхрат Узақов

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фахри Рахимов
Миродил Боротов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

•Буюртма №
•Адади: 1000

•Журнал "Аргументы и факты
Узбекистан" МЧЖ ҚҚ
босмаҳонасида чоп этилди
•Манзил: Тошкент шаҳри,
•Элбек кўчаси 8-уй.

МУНДАРИЖА

Ф.Мухитдинова	Халқнинг истиқлол ва маънавиятини тиклаган буюк зот	1
Э.Гадоев	Давлат солиқ хизмати органларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашишнинг айрим масалалари	6
У.Гафуров	Ёшларни интернет орқали кузатилаётган дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидлардан асрашнинг долзарб масалалари	8
Д.Аллаев	Ёшларни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружлардан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотларининг ўрни	11
Р.Тлавбердиев	Защита частной собственности и частного предпринимательства в Республике Узбекистан	15
М.Аминжонова	Суғурталовчилар жавобгарлигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари	18
М.Каландарова	Шартнома бўйича судловга тегишлилик масаласини ҳал этишнинг процессуал воситалари	21
О.Махкамов	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари	25
Т.Мадумаров	Банк сирини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг айрим масалалари	30
Б.Пўлатов	Рецидив жиноятчиликни профилактика қилиш масалалари	33
Ф.Рахимов Ж.Сафаров	Озодликни чеклаш жазо турини қўллаш масалалари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштириш истиқболлари	37
К.Нигматов	Роль проведения мониторинга исполнения законов, направленных на устранение недостатков в судебном законодательстве	40
М.Дусткориев	Некоторые вопросы участия в гражданском процессе лиц, содействующих осуществлению правосудия	43
М.Бобожонов	Ўзбекистонда репо битимининг шаклланиши ва унинг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти	46
Н.Захидова	Особенности участия прокурора в гражданском процессе	49
Н.Хайриев	Қадимги Миср ва Бобил давлатларида жиноят-судлов юритувининг ўзига хос хусусиятлари	53
Д.Имамова С.Гордеев	Обязательственный статут внешнеэкономических сделок Зарубежный опыт розыскной работы правоохранительных органов	56 59
Г.Ахмедова	Общие подходы к изучению объективных детерминантов преступного поведения в местах лишения свободы	62
Н.Рахмонкулова	МДХ мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқ унификацияси	67
Қ.Розимова	Жазо тайинлашда хорижий давлатлар тажрибаси	70
Ш.Туляганова	Ответственность сторон по договору об оказании туристических услуг	74
Янги китоблар Илмий-амалий конференция		77 80 82

Феруза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
«Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи» кафедрасининг доценти, ю.ф.д.

ХАЛҚНИНГ ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ТИКЛАГАН БУЮК ЗОТ

- ◆ Мақола Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена жизни и деятельности Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова.
- ◆ The article is devoted to the life and activity of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov.

Таянч сўзлар: мустақиллик, Биринчи Президенти, миллий давлатчилик, тараққиёт, ҳуқуқий давлат.

Ключевые слова: независимость, Первый Президент, национальная государственность, развитие, правовое государство.

Key words: independence, the first president, national statehood, development, rule of law.

Биз яшаётган мустақиллик даври ўз-ўзидан келмади.

Асрлар давомида халқимизнинг буюк орзусини амалга оширган бу истиқлол ва унинг асосида қўлга киритилган ютуқлар бевосита Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқлигини барча билади ва ҳатто дунё ҳамжамияти ҳам тан олган ҳақиқатдир. Жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилган ислохотлар билан бирга энг катта эътибор маънавий тарбияга берилгани ёшларимизни ёд гою ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш борасидаги ўта муҳим масалалардан бири бўлиб бу масалада ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хушёрлик, сезгирлик, қатъият ва масъулиятни йўқотмасликка таъкидлаган эди. Халқимиз истиқлол тўғрисида ўз тарихини билди, эрки тикланди, тилимиз, динимизни анлади. Демак, халқини маънавий жасоратга етаклаган буюк зот — Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг хизматлари буюқдир.

Мана 25 йилда мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Эндиликда давлатчилик соҳасида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда маънавий-ҳуқуқий қадриятларимизни ўрганишга бўлган эътиёж янада ортмоқда. Зеро,

мустақил Ўзбекистон давлати ўз давлатчилик тарихи ва бой ҳуқуқий меросга эга бўлиб, бундай сиёсий-ҳуқуқий меросдан унумли фойдаланиш жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, келажаги буюк давлат қуришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Зотан, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов фикрларини ёдга олиб, айтиш мумкинки, ўз тарихини, насл-насабини, меросини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайдир. Аслида ҳар қандай халқ ўзининг тарихий тажрибасига мурожаат қилади, келажакни, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ривожланишининг асосий йўналишларини ўз тарихидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Табиийки, бунда миллий давлатчилик тарихи билан боғлиқ давлат ва жамият ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш, уларнинг шаклланишига таъсир этган омилларни аниқлаш, аниқлаш, илғор сиёсий-ҳуқуқий ғояларни илгари сурган мутафаккирлар асарларини изчил ва теран таҳлил-тадқиқ этиш ҳам амалий, ҳам илмий, ҳам сиёсий аҳамиятга эга, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу боис, Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласини ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарган, бутун ҳамжамият олдида ўзбек халқининг бой илмий меросини асослаган ҳам мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислоҳ

Каримов бўлиб, бу ҳақда ҳақли равишда таъкидлаган эдики: "Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган. Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэтироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айтиш пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади".

Ўзбекистоннинг фақатгина ер ости ва табиий бойликлари билан эмас, балки, бой тарихий-илмий мактаблари билан ҳам ўз ўрнига эга эканлигини Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузасида шундай деган эди: "...Хоразм Маъмур академияси олимлари Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос маънавий-маданий кўприк, умуминсоний қадрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир халқ вазифасини адо этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Афсуски, ана шу қадимги илм-фан марказида яратилган, ҳозирги кунда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган бетакрор илмий мерос ҳали-бери тўла ўрганилган эмас. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ҳозирги ва келажак авлодларга етказиш муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи керак.

...Биз истиқлол йилларида буюк боболаримизнинг шаъну-шавкати, муборак номларини қайта тиклаш, уларнинг бой ва ноёб меросини ўрганиш, табаррук қадамжоларни обод қилиш бўйича қандай эзгу ишларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз. ...Биз қадимги тарих, бой илмий-маданий мероснинг, улўғ алломаларнинг ворислари бўлганимиздан доимо фахрланиб яшаймиз. Шу билан бирга, бундай ворислик тўғриси ҳар биримизнинг зиммасига ана шу аждодларга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклашини чуқур англаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интилишимиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканлигимизни амалда намоён этишимиз, барчамиз, аввало, навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт".

Шу фикрларга таянган ҳолда, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан мазкур масалаларга жиддий ва қатъиятлик билан ёндашганликларининг сабаби жамиятимиз олдида қуйидаги мураккаб ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш вазифаларини олдиндан кўра билганликларидир:

Биринчидан, "Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолимизнинг кенг кўламдаги истиқболини таъминлаш эҳтиёж-

лари маънавиятимизни инқироздан қутқаришни, уни...замон талаблари даражасидаги юксакликка кўтаришни..долзарб зарурат қилиб қўйди". Ҳозирги шароитда ижтимоий онгимиз чуқур, туб ўзгаришларга юз тутмоқда. Шўро тузуми даврида шаклланган маънавий қолиплардан воз кечилган бир шароитда муайян маънавий бўшлиқ вужудга келиб, руҳий инқироз кўпчиликини довдиратиб қўйди. Эндиликда биз ажратиб қўйилган маънавий илдизларимизни қайтадан тиклашимиз зарур. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат каби сиймолар ифода этган маънавий хазинамиз, илм-маърифат булоқларидан тўла баҳраманд бўлмоғи керак.Бугун дунё ҳамжамиятини маънавий меросимиз лол қолдирар экан, ана шу меросимизни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаш билан бирга ёш авлодга етказиш зарурарти, долзарблиги Ўзбекистон биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг маърузаларида яққол ифодаланган. Жумладан, бу ҳақда : "Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ"¹.

Иккинчидан, ижтимоий фанлар олдида янги илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаси турибди. Бу ҳам Ўзбекистон тарихига оид бой сиёсий-ҳуқуқий меросни чуқур ўрганишни, изчил ва теран илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Зеро, Шарқ мутафаккирларининг жамият, давлат бошқаруви, ҳуқуқ, тўғрисидаги қарашлари шаклланиши ва ривожланиши ҳақида кўплаб асарлар ёзилганки, улар орқали эндиликда бизнинг давлатчилик, ижтимоий турмуш, сиёсат, демократия, истиқлол, қонунчилик, адолат ва бошқалар тўғрисидаги тасаввурларимиз янгича маъно ва мазмунга эга бўлиб бормоқда. Бундай тушунчалар ва барча миллий қадриятларимиз умуминсоний, умумбашарий қадриятлар замирида қайта мушоҳада этилаётган ҳозирги пайтда, айниқса, Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросини ўрганиш долзарб мавзулардан бирига айланган эди.

Бугун қувонч билан тилга олиб, биз Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улўғ бобоклонларимизнинг буюк номларига муносабат авлод эканлигимизни дунё ҳамжамиятида кўрсата олган ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовдир

Учинчидан, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини

шакллантириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифалардан ҳисобланади. Аслида мустақкам ҳуқуқ-тартибот, қатъий қонунийлик аҳолининг умумий ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан бевосита боғлиқ. Айниқса, жиноятчиликни жиловлашда, иқтисодиёт, сиёсат ва мафкура соҳасидаги тангликдан қутилишда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш катта аҳамият касб этади. Шу боис 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ва унинг ҳаётга изчиллик билан жорий этилиши бу муаммо ечимининг бир томони бўлса, унинг Шарқ халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида, жумладан, Шарқ алломаларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида илгари сурилган бой ҳуқуқий қадриятларимиз билан боғлаб ўрганиш ва ёшларга етказиш муаммонинг иккинчи томонидир. Ҳуқуқий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ташкил этгани бизга аён. Мутафаккирлар томонидан ёзиб қолдирилган сиёсий-ҳуқуқий меросни кенг жамоатчиликка етказиш, ундан ҳуқуқий тарбия жараёнида фойдаланиш учун тадқиқотлар олиб бориш ҳам танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 2008 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтгандики: "Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интиломқда, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда — биз бунга асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-раҳбар сифатида бу жараёни четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ. Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди. ...Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур".

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрдаги "Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони Шарқ Уйғониш даврида ижод қилган алломаларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди. Жумладан, IX-X асрларда илмий муҳит Мовароуннаҳрда шу даражага кўтарилганки, натижада ушбу ҳудудда жаҳонга донғи кетган алломалар етишиб чиққан, уларнинг яратган илмий асарлари ўзга мамлакатлар илмий-маърифий тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшган. Бу ҳақда Шарқ халқларининг илмий мероси бўйича изланишлар олиб борган инглиз олими У.Монтгомери шундай ёзади: "Араблар фақат шарҳловчиларгина бўлиб қолмасдан, юнон тафаккурининг ҳақиқий эгалари ҳам эдилар. Улар нафақат

ўзлаштирган фанларига ҳаёт бағишладилар, балки тадқиқотлар йўналишларини янада кенгайтирдилар". Бу ўринда инглиз олими "араблар" деганда, Шарқ мутафаккирларини, айниқса, Форобий ҳамда Берунийни назарда тутган. Чунки улар томонидан юнон олимлари қолдирган илмий мерос дастлаб араб тилига ўгирилиб, кейинчалик Европага кенг ёйилган. Шунинг учун ҳам ушбу даврда яратилган сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни чуқур тадқиқ этиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, "фуқаролик жамияти" тушунчасини ўзига хос тарзда ифодалаган "адолатли жамият" ғояси Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг кенг кўламли сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидаги марказий ғоялардан бири бўлган. Бу ғоя мусулмон Шарқи мамлакатларида ҳам, христиан Фарби давлатларида ҳам ўзидан кейинги бутун тафаккур хазинасига чуқур таъсир ўтказган.

Тўртинчидан, Шўро даврида динимизни ҳам ўрганиш таъқиқланганди. Қуръондан хабардор бўлиш, илмий иш қилиш учун Крачковскийнинг русча таржимасини ўқишга марказдан ижозат олиш керак эди. Ваҳоланки, Крачковскийнинг таржимасини ўқиб, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. Бу таржима Қуръон тўғрисида тасаввур ҳам уйғотмайди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан "Шарқ юлдузи" журналида Қуръонни карим ўзбек тилида нашр этилди. Истиқлолнинг дастлабки шамоли халқимизга Қуръонни, динни танитди. Ана шу таҳликали вазият ва муаммолар хусусида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов шундай таъкидлаганди: "Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор, деб биладиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир" Зеро, тарихдан маълумки, ислом дини ўз даврида ҳаллолик, тўғрилиқка етакловчи дин бўлиб, у кириб келиши билан, жаҳолат ўрнини маърифат эгаллаганди. У хотин-қизлар шаънини кўкларга кўтарган диндир Уч қиз тарбиялаб, уларни турмушга берган она жаннатий бўлиши, жаннат оналар оёғи остида экани ҳадисларда ўз ифодасини топди. Одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлоқ устувор бўлишига эришиш, кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом эътиқодни шакллантириш учун кураш бошланди. Афсуски, бугунги кунда ҳам жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Шулардан

бири, диний билимсизликдир. Диний саводхонлиги паст бўлган кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатиб, аслида ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилган. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакатимизда диний билим оламан деганлар учун кенг имкониятлар яратди. Мадрасалар ва масжидлар қурилди. Тошкент Ислом олий маъҳади ва Тошкент Ислом университети ва бир қатор мадрасалар фаолият кўрсатётгани ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида аниқ амалий ишлар қилинаётганининг ёрқин ифодасидир.

Зеро, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти нафақат ислом динини балки, ислом оламида яратилган бой илмий меросини тиклади. Зеро, фикҳ — ислом ҳуқуқшунослиги бўлиб Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятдир. У нафақат диний-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муаммоларни, балки мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ўз ичига олган илм соҳаси ҳисобланади. Шу боис фикҳ Шарқ қомусий олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Ушбу сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асосида, яъни калом илми ва шариат (ислом қонунчилиги), умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси ҳамда миллий қадриятларимиз асосида ажодларимиз ўз замондошлари ва издошларини тарбия қилишган. Ана шу маънавий меросимиз бугун халққа, кенг жамоатчиликка етказиш имконига эга бўлдики, бу мардлик ва матонатнинг етакчиси ҳам Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов бўлганлиги барчамизни гурурлантиради.

Бешинчидан, эса, эски тузум даври конституциясида таълим олиш болалар ҳуқуқидир, деб ёзилган пункт бўлган. Лекин 4-дан 10-синфгача ўқувчиларимиз эрта баҳордан кеч кузгача дала ишларидан бўшамаган.

Уч сменали мактабларда дарс ўтилиши-чи?

Истиқлолдан сўнг мамлакатимизда бошқа соҳалар сингари таълим-тарбия ишларига Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор қаратилдики, ҳатто бу соҳанинг ҳуқуқий асоси сифатида "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури "1997 йил 29 августда қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ва бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай ислоҳ қилинди. Бугунги кунда Бутунжаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоиздан ошган. Бу дунёда юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Агар 1991 йилда халқаро мусиқа танловларида атиги уч нафар ўзбекис-тонлик ўқувчи қатнашган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 150га яқинлашди.

Қувонарли томони шундаки, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг қабул қилинганлиги қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини дунёга кўрсатди. Зеро, бундай ҳужжатнинг хорижий давлатлар қонунчилик амалиётида қўзғатилмаслиги жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида барчанинг ҳавасини келтирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан далолат беради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунё саҳнига чиқди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон номи давлат пайдо бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига таяниб, миллий ҳуқуқий тизим яратилди, инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Демократия умуминсоний принципларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституциямизда ўз ифодасини топди. Фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Жумладан, фақат мустақиллик йилларида Ўзбекистонда парламент томонидан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга солувчи Конституция ва конституциявий қонунлар, 16 та кодекс ва 700 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Асосий қонунимизнинг иккинчи бўлимини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлим бўлиб, ўзбек халқининг ҳуқуқий ҳимояси деб аташ мумкин.

Ўзбекистон Республикаси парламенти инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро шартномаларни, шу жумладан БМТнинг ўнта асосий ҳужжатини (6 та халқаро шартнома ва 4 та Факультатив протокол) ратификация қилди. Конституцияга мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар миллий қонунчиликдан устувордир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият ҳаққоний аҳамият касб этиши учун инсонлар нафақат ҳуқуқни билиши балки уларда қатъий ишонч, кафолат ва ҳиссиёт бўлиши керак. Шу маънода ҳам юксак ҳуқуқий маданият барча соҳадаги ислоҳотлар, режа ва дастурларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган, энг муҳими, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи вазифасини бажарадиган башарият эъозлайдиган дунёвий қадриятдир.

Бу ҳақда Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримов ўз вақтида таъкидлаганидек: "Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётини эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саяҳат-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг дунёқараши, онги, тафаккури-

ни ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади".

Мен, ҳуқуқшунос сифатида алломаларимиз илмий меросида давлатчилик, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқи, адолат ва судлов каби масалаларни тадқиқ этар эканман, бу тадқиқот ишларга ҳам Ўзбекистон биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг хайрихоҳлиги ёрдам берди. Жумладан, бу ҳақда "Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида, бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим" деган фикрлари ҳамоҳангдир..

Йигирма беш йиллик мустақиллик бизга тинчлик ва омонлик, ҳурлик ва фаровонлик бердики, мамлакатимизнинг бирон бир чекка ҳудуди қолмадики, қиёфасини ўзгартирмаган бўлса. Амир Темур айтганидек, "Бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз биз қурдирган биноларни кўринг". Ҳақитатан ҳам, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврида бунёд этилган биноларни, янги кўприкларни, намунавий уйларни, ёшларимиз учун "Қамолот" уйларини, Минор масжидию, Форумлар уйини кўрган киши шу

юрт билан фахрланадики, бу фахр, ғурур ҳам Ўзбекистон биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларида ўз ифодасини топган: "Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади — озод Ватанда озод яшаш. Мен жуда хурсандманки, жамиятимиз, халқимиз мана шу мақсад йўлида белни маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти, катта умид билан яшаяпти".

Хулоса ўрнида яна Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов сўзларига мурожаат этиш ўринли деб биламан. Эътибор берсак: "Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим". Дарҳақиқат, азиз ёшлар, юртдошлар, биз буюк зот, алломаларнинг авлоди эканлигимизни, илм-фан ва катта ишларга қодир халқ эканлигимизни бутун дунё аҳлига қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов кўрсата олдики, биз энди ана шу маънавий юксалишга муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Бу ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг бизга қолдирган маънавий меросидир.



¹ Каримов И.А. Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди // Ислоҳ зиёси ўзбегим сиймосида. — Тошкент: Тошкент ислоҳ университети, 2005. — Б. 524.

Эркин ГАДОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари,
Солиқ академияси ректори, и.ф.н., доцент

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада коррупция ва унинг аянчли оқибатлари, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга барҳам бериш билан боғлиқ вазифалар ёритилган.
- ◆ Данная статья посвящена вопросам коррупции и её последствий, а также задачам противодействия коррупции в государственных органах налоговой службы.
- ◆ This article deals with analyzing of regrettable consequences of corruption and accentuated functional issues and tasks concerning of putting an end thoroughly the corruption in state tax authorities.

Таянч сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги, солиқ маданияти, молиявий разведка, қонун устуворлиги.

Ключевые слова: коррупция, борьба против коррупции, приоритет прав предпринимателей, налоговая культура, финансовая разведка, верховенство закона.

Key words: corruption, anti-corruption, prior of entrepreneurs' rights, tax decency, financial reconnaissance, law stableness.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов 2016 йил 15 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида "Мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди.

Назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни бир неча марта бузган тақдирда, уларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бу борада тегишли нормалар киритилди", деб таъкидлаган эди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ қонунчилигига риоя этили-

шини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида"ги Низомга асосан Давлат солиқ қўмитасига солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш ҳолатларига кескин барҳам бериш билан боғлиқ вазифалар юклатилган.

Бугунги кунда ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан муайян ишлар ва тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2015 йил давомида давлат солиқ хизмати органларида коррупция иллатларининг олдини олиш мақсадида, ҳудудий давлат солиқ хизмати органларида 534 маротаба давра суҳ-

батлари ва семинарлар ташкил этилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 759 нафар масъул ходимлари таклиф қилинган ҳолда ташкил этилган тадбирларда 15 496 нафар тадбиркорлик субъектлари ва 10 728 нафар шахсий таркиб ходимларининг иштироки таъминланди.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида коррупциянинг олдини олиш, даражасини камайтириш, коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи шарт-шароитларнинг бартараф этилишини ҳамда ижроси мониторингини таъминлаш мақсадида, Давлат солиқ қўмитасининг буйруғи билан "Давлат солиқ қўмитасининг махсус комиссияси" тузилиб, тизим фаолияти самарадорлигини оширишда ва шаффофлигини таъминлашда ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги 12/1-21-сон топшириғи билан юборилган "2016-2017 йилларда коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар Комплекс режаси" ижросини таъминлаш юзасидан 2016 йилнинг 25 январидан Давлат солиқ қўмитасининг Назорат режаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунда унинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли таълим муассасаларига ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказиш бўйича танлов синовлари ўтказиш ва хизматга қабул қилиш тартибини белгиловчи "Давлат солиқ хизмати органларига ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказиш бўйича танлов синовларини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда "Давлат солиқ хизмати органларида вакант лавозимлар билан ишлаш тартиби" қўмитанинг 2016 йил 18 январдаги 22-сон буйруғи билан тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатлар билан ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказиш бўйича танлов синовлари давомида вакант лавозимлар учун эълон бериш, дастлабки ўрганиш, тест синовлари ўтказиш, вакант лавозимлар ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, шунингдек, ушбу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Бунда асосий эътибор ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказишда ошкоралик ва ҳолислик принциплари асосида фуқароларнинг қонун билан белгилаб берилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупциянинг олдини олишга қаратилди.

Ҳеч кимга сир эмас ва шуни ҳам алоҳида тан олиб айтиш керакки, ижтимоий, кундалик ҳаётимизда, афсуски, қонунга риоя қилмаслик, қонун ва қонунийликнинг, адолат мезонларининг амалда қўпол равишда бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан ўз бурчига виждонан ёндашмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Мамлакатимизда коррупция ва унинг аянчли оқибатларининг олдини олиш учун, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ходимлари ўзларининг асосий вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этиш эканини теран ва чуқур англаб етмоқлари лозим.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг келиб чиқилишининг олдини олиш ҳамда солиқ идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада шакллантириш мақсадида қуйидаги ишларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун мунтазам равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда кадрларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб боришни йўлга қўйиш;

иккинчидан, давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада ривожлантириш ва тезкор тадбирларни амалга ошириш юзасидан ахборот алмашинувини такомиллаштириш;

учинчидан, давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унинг оқибатларини тушунтириш бўйича ижтимоий роликларни кўпайтириш ва уни мунтазам тарғиб қилиш;

тўртинчидан, касбий ўқув машғулотлари ва малака ошириш курслари доирасида "Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар: халқаро ва миллий тажриба" мавзусида махсус курснинг ташкил этилиши.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди // Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь.



Уйғун ҒАФУРОВ,
Тошкент ислом институти ректори

ЁШЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КУЗАТИЛАЁТГАН ДИН НИҚОБИДАГИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

- ✦ Мақолада интернет орқали амалга ошириладиган дин ниқоби остидаги маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг ёшлар онгига салбий жиҳатлари, ёд ғоялар қуршовига тушиш ҳолатлари, шунингдек, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш боарсидаги энг муҳим масалалар ёритиб берилган.
- ✦ В статье раскрываются наиболее важные вопросы отрицательных сторон духовных и идеологических угроз для сознания молодежи, осуществляющих под религиозной маской в сети интернет, случаи поподания под чуждые идеи, а также реализация организационных мероприятий по их предупреждению.
- ✦ The article describes the most important issues of the negative aspects of the spiritual and ideological threats to the consciousness of young people engaged in under the guise of religion on the Internet, popodanii cases under alien ideas, as well as the implementation of organizational measures for their prevention.

Таянч сўзлар: интернет, мафкуравий таҳдидлар, террорист учун қўлланма, ҳадисларни саралаш тажрибаси, “ғайри сика” (ишончсиз), ахборот истеъмоли маданияти.

Ключевые слова: интернет, идеологические угрозы, пособие для террориста, практика подбора хадисов, “ғайри сика” (недостоверный), культура потребления информации.

Key words: Internet, ideological threat, manual book for terrorist, Practice selection of Hadith, «ghayr sica» (unreliable), the culture of information consumption.

Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. 50 миллионлик аудиторияга эришиб, оммалаштириш учун радиого 38 йил, телевидениега 13 йил, кабель телевидениега 10 йил керак бўлгани ҳолда, бу босқични интернет 5 йилда босиб ўтди.

Интернет одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожига ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Авваллари фақатгина сўзлашув учун ишлатилган телефондан бугун интернет, товушли алоқа ва маълумотлар узатиш каби турли қўшимча хизматлардан фойдаланиш, видеотелефония ва ҳатто телекўрсатувлар кўриш имкони бор.

2000 йилдан 2016 йилга қадар дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,6 баробарга ошиб, 3,42 миллиард кишига етди (дунё аҳолисининг 46 фоизи), мобил алоқа абонентлари сони эса 12 баробарга ошиб, 3,8 миллиардни ташкил этди (дунё аҳолисининг 51 фоизи). Интернетдан фойдаланувчиларнинг 48,2 фоизи (3,56 млрд. киши) Осиё, 18 фоизи (1,33 млрд. киши) Европа, 10,2 фоизи (754 млн. киши) Жанубий Америка, 9,3 фоизи (687 млн. киши) Шимолий Америка

қитъаларига тўғри келади¹.

Жаҳон веб-аудиториясининг 45 фоизини 25 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Мазкур ўсмирларнинг 68 фоизи ҳар куни кимгадир SMS-хабар жўнатади, 51 фоизи ижтимоий тармоқларга киради, 30 фоизи электрон почтадан фойдаланади².

Айни вақтда виртуал оламда 1 млрд.дан ортиқ интернет сайтлар мавжуд бўлиб, ҳар ойда ўртача 201,4 трлн. видеоролик кўриб чиқилади, ҳар куни 144 млрд. электрон мактуб жўнатилади.

Интернет орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазйикнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот уруши душманни йўқ қилмаган, катта харажатни талаб қилмаган ҳолда, юқори самара беради.

Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда, асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Бугунги кунда интернет ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдонига айланганини экстремистик ва террористик қарашларни тарғиб қилишдаги ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сўнгги йилларда террористик ташкилотлар ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, 10 йил аввал бундай сайтлар сони 20 та бўлса, бугунги кунда дунёда террорчилар фойдаланадиган 10 мингдан ортиқ интернет сайтлари мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи порталлар сони ортиб бормоқда.

Бундай интернет сайтлар тўсатдан пайдо бўлади, вақт ўтгач йўқолади, мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, тез-тез номланиши ва доменини ўзгартириб туради. Интернет қуйидаги имкониятлари билан террорчилар учун қулай ҳисобланади:

- ◆ интернетга киришнинг осонлиги;
- ◆ фойдаланувчилар сонининг кўплиги;
- ◆ алоқанинг анонимлиги;
- ◆ ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чеклангани;
- ◆ ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши;
- ◆ фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги³.

Террорчилар интернетдан қуйидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- ◆ тарғибот ва ташвиқот мақсадида маълумот тарқатиш;
- ◆ янги аъзоларни ёллаш (вербовка);
- ◆ аъзолик ва хайрия бадалларини йиғиш ҳамда улардан фойдаланиш;
- ◆ тармоқ ва шохобчалар ташкил этиш;
- ◆ террорчиларни ўқитиш, кўрсатмалар бериш;
- ◆ разведка ва маълумот кидириш;
- ◆ янги террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва бошқариш⁴.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, шуни унутмаслик кераки, *“Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”⁵.*

Диний экстремистлар ва террорчиларнинг интернетдаги сайтларида ташкилотнинг мақсади, тарихи ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларга кенг ўрин берилади. Жумладан, террорчилар куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга, террор ва қўпурувчилик ҳаракатларини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлашга интилишади. Бунда ўзларини *“озодлик курашчиси, партизан, қаршилик кўрсатувчи деб атаб, тинчлик тарафдори қилиб кўрсатишга ва улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳаракат қилиши лозимлигини асослашга интилиш кенг тарқалган. Улар сайтларда ҳукумат тарафидан қўлланилаётган усулларнинг ваҳ-*

шийлигини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Тезкор ахборотлар, янгиликларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва террорчилар учун фойдали бўлган йўналишда бериб борилиши, уларнинг фаолиятини оқловчи, *“қаҳрамонлигини”* куйловчи кўшиқлар, клиплар берилиши бундай сайтларнинг мафкуравий ҳамда эмоционал таъсир қувватини оширишга хизмат қилади.

Бундай сайтлар, бир томондан, террорчилик ташкилотининг фаол аъзоларига, иккинчи томондан, террорчиларнинг асл мақсад-муддаоларини билмайдиган, уларни *“курашчилар”, “муҳолифат”* ва шу каби ижобий мақом ҳамда сифатда қабул қилишга ўрганган одамларга мўлжалланган. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонга психологик таъсир кўрсатиш, кўркүв, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

“Мана шундай вазиятда, — деб ёзади Ислом Каримов, — одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”.

2013 йил 15 апрель кунини АҚШнинг Бостон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари 14 йил аввалги бошқа бир воқеани эсга солади. 1999 йил апрелида Дэвид Коуплэнд исмли 23 ёшли инженер томонидан Лондоннинг 3 та гавжум жойида портлатилган қўлбола бомбалар 3 кишининг ҳалок бўлиши ва 139 киши яраланишига сабаб бўлди. Кейинчалик суд жараёнида Д.Коуплэнд мазкур террорчилик ҳаракатини ёлғиз тайёрлагани, бунда у интернетдан олинган *“Террорист учун қўлланма”* ва *“Қандай қилиб бомба тайёрлаш мумкин”* номли китоблардан фойдаланганини айтган⁶.

2015 йил январь ойида дунё оммавий ахборот воситаларида ўзини *“Ироқ ва Шом ислом давлати”* деб номлаётган террорчи ташкилот аёл террорчилар учун қўлланма тайёрлаб, интернет орқали тарқатаётгани ҳақида хабар бердилар.

Улкан ахборот уммонида ёлғон хабарлар нисбати шиддат билан ортиб бораётган ҳозирги таҳликали замонда аждодларимизнинг *“ҳадисларни саралаш”* тажрибаларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳаммага маълумки, дунёдаги мусулмонлар учун Қуръони каримдан кейин муқаддас саналган ҳадисларни саралаш ва тўплаш илмига айнан бизнинг буюк аждодларимиз тамал тошини қўйганлар. Жумладан, *“ҳадис илмининг султони”* Имом Бухорий ўз вақтида 600 мингга яқин ҳадисларни тўплаб, улардан 7520 та *“энг тўғриси”* (саҳиҳ)ни *“Саҳиҳи Бухорий”* тўпламига жамлаганлар.

Ҳадисларни ишончли ва нотўғрига ажратишда ҳадис уламолари асосий эътиборни аввало ҳадис *исноди* (уни етказувчи *“ровий”*лар силсиласи)га, сўнгра ҳадис матни (мазмунини нечоғлик ҳақиқатга

яқин, мантиқан ақл қабул қилиш даражасида экани)га қаратганлар.

Ровийларнинг виждони софлиги, адолатлилиги ва маънавий-ахлоқий хусусиятлари алоҳида муҳим аҳамият касб этган. Ҳаёти давомида бирор марта ёлғон гувоҳлик берган, турли сабаблар билан маънавий обрўсига путур етган, ахлоқи бузук шахслар “ғайри сиқа” (ишончсиз) ровийлар қаторига киритилган ҳамда улардан умуман ҳадислар қабул қилинмаган.

Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ягона ровийси бўлган шахсни қидириб, узоқ ва машаққатли йўл босиб, уни топадилар. Лекин И.Бухорий ровийнинг бир қўйни ҳашак билан алдаб кўрага олиб кираётганини кўриб, мазкур ровий билан ҳаттоки сўхбатлашмасдан ҳам орқага қайтадилар.

Юртимиздаги кечётган жараёнларни кескин ва ноҳолис талқин қилувчи, бўхтон, тўхмат ва ғийбат билан тўлиб-тошган материалларни ўқиётган юртдошларимиз юқоридаги маълумотлардан тўғри хулоса чиқарадилар, деб умид қиламиз, албатта.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти таъкидлаганидек: *“Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”*⁷. Бу шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун виртуал оламда ҳам фаол ҳаракатлар олиб бориш зарур.

Энг аввало, ғараз мақсадда амалга ошириладиган ташқи ғоявий таъсирлар, мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга холис ёндашув байроғи остида бериладиган бирёқлама ахборотлар ва баҳоларнинг олдини олиш, уларга қарши объектив маълумотларни кишиларга тезкор, тизимли ва тадрижий етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Бугун ахборот ҳам истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қоби-

лият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда ўз-ўзига *“Бу ахборотни ким узатапти?”*, *“Нима учун узатапти?”* ва *“Қандай мақсадда узатапти?”* деган саволларни бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этиладиган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқарашини ва ҳулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашишининг, нотўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қиладди”, — деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кўйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш келгусида жамиятимиз олдида турган муҳим ва устувор вазифалардан эканини таъкидлаш зарур:

- ёшларнинг ахборот муҳитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш;
- ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлигини мунтазам ошириб бориш;
- виртуал ахборот ҳудудида ёшларнинг устувор нуқтаи назарлари ва қизиқишларини мунтазам ўрганиш;
- келажак авлоднинг маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан аҳолини ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият” таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш.

¹ wearesocial.com сайтининг махсус “Kigital in 2016” ҳисоботи.

² Юқоридаги манба.

³ Тулепов А. Интернетга ин курган ўргимчаклар. — Т.: Мовароуннаҳр, 2013. Б. 12.

⁴ Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. — Т.: Мовароуннаҳр — 2015. Б. 78.

⁵ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т. Маънавият, 2008. Б. 152.

⁶ Kavid Copeland // From Wikipedia, the free encyclopedia

⁷ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т. Маънавият, 2008. Б. 137.

Долли АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

✦ Мақола ёшларни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамияти, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим чора-тадбирлар йиғиндиси, шунингдек, таълим муассасаларида ахборот ресурс марказларининг фаолиятини тубдан яхшилаш каби долзарб масалаларга бағишланган.

✦ Статъя посвящена актуальным вопросам места и значения общественных организаций, общественных объединений в защите молодежи от духовных и информационных угроз, комплексу наиболее важных мероприятий необходимых реализовать в данном направлении, а также коренному улучшению деятельности информационно-ресурсных центров в образовательных учреждениях.

✦ The article is devoted to topical issues of the place and importance of non-governmental organizations and public associations in protecting young people from spiritual and information threats, a complex of the most important measures needed to implement in this area, as well as radical improvement of activity of information and resource centers in educational institutions.

Таянч сўзлар: маънавий таҳдид, ахборот хуружлари, жамоат бирлашмалари, наркосайт, секталар, интернетга тобелик, игромания.

Ключевые слова: духовная угроза, информационная угроза, общественные объединения, наркосайт, секты, интернет зависимость, игра мания.

Key words: spiritual threat, threat information, public associations, narkosayt, sect, internet addiction disorder, mania game.

XXI аср — турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик тобора кучайиб бораётган мураккаб жараёнлар куршовида, яъни глобаллашув замонида яшайпмиз.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида глобаллашув жараёнларига берган принципал баҳосини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Жумладан: "Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув — бу, ав-

вало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир".

Бугун нафақат юртимизнинг, балки дунёнинг у чеккасида бу чеккасига қадар — бир қадам. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати билан инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини нафақат эшитиш, айтиш чоғда кўриб-кузатиш ва ҳатто ўз муносабатини билдириш имконига эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллиондан ошди. 16 мингга яқин Uz доменидаги веб-сайтлар фаолият олиб бормоқда. 200 дан ортиқ веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Таълимни ахборотлаштириш тизимида барпо этилган инфратузилмалардан, ўқиш ва бошқариш мақсадида ахборот ресурсларининг янги рақамли кўринишларидан кенг фойдаланишга йўл очилмоқда.

Айниқса, ахборот-ресурс марказлари барпо этилиб, фаоллашмоқда. Ушбу марказда турли таълим фаолиятлари йўналишлари бўйича 125 та электрон таълим воситаларига кириш имконияти мавжуд. Таълим муассасаси локал тизими (Wi-Fi) орқали интернетга чиқиш ташкил этилган. 82 фоиз ўқитувчилар ахборот технологиялари фойдаланувчиларининг сертификатиغا эга. Буларнинг ҳаммаси таълим жараёнини янада самарали ташкил этишга имкон беради.

Шу билан бирга, айрим масалаларга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Техник имкониятларнинг ва телекоммуникация тизимига киришнинг кенгайиши, электрон ахборот воситаларининг ривожланиши, уларнинг интернет билан мос келиши ва он-лайн режимида мулоқот қилиш йўллариининг кўплиги вояга етмаганлар ўртасида ахборот хавфсизлигига таҳдидни янада кучайтиради.

Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда, асосий эътибор кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг "регулятор"лик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Интернет орқали кириб келаётган хавфларнинг ёшлардан ҳам кўра болалар онгига кўпроқ таъсир қилувчи усули — бу компьютер ўйинларидир. Бугунги кунда компьютер ўйинларининг энг оммалашган жанрлари, масалан, "Call of duty", "Mortal Combat", "Syndicate" ва бошқалар ёшлар онгини заҳарлашга, уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатишга қаратилган маънавий хуружлардир. Улар орасида шундай мазмундаги ўйинлар борки, унда "сен ўлдирмасанг, сени ўлдирдилар" ақидаси илгари сурилган.

Шунинг учун, замонавий медиа-мақолада вояга етмаган фойдаланувчилар сонининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммосининг долзарблигини ҳам оширмоқда.

Бир томондан, ҳар бир боланинг имкониятлари максимал тарзда амалга оширилиши ва ҳаётини салоҳиятни шакллантириш, таълим, тарбия ва фаолиятнинг ижтимоий позитив турларида ўзини кўрсата олиши учун шароит яратиш лозим. Айтилган бунга янги ахборот технологияларини қўлланмасдан ва интернет тизимидан фойдаланмасдан эришиб бўлмайди.

Бошқа томондан эса, ёшлар учун ҳар жиҳатдан қулай ва хайрихоҳлик руҳидаги ахборот мақонини барпо этиш билан боғлиқ муаммолар ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва таълим-тарбия вазибаларига мос келмайдиган ахборот тарқалишининг хавфи ўсиб боради.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ахборот хавф-

сизликка асосий таҳдидлар интернет тармоғидаги хавфлар, сабрсизлик, зўрлаш ва шафқатсизлик тарғиботи, гиёҳвандликка тобеликнинг турли шакллардаги тарғиботи, порнографик ресурслар, кибербуллинг ва гиромания, суицид йўналишидаги секта ва ресурслар, деб айтишимиз мумкин.

Вояга етмаганлар учун интернетдаги хавф-хатарлар қаторида, биринчи ўринда, суицидни ажратиш лозим. Бундай сайтларда болалар ҳаётни тарк этиш усуллари ҳақида ахборот олишади. Кейингиси, наркосайтлар; порнографик йўналишдаги сайтлар; миллий низо ва ирқий ажратишни келтириб чиқарувчи, раҳмсизлик ва зўрлашни тарғиб қилувчи сайтлар; шунингдек, секталар ва шунга ўхшаш танишув сайтлари ва бошқалар.

Бундан ташқари, ўсмирлар орасида компьютер ва интернетга тобелик, компьютер ўйинларига берилувчанлик (игромания), кибербуллинг (интернетдаги заҳарлаш) кабилар учрамоқда. Буларнинг ҳаммаси болалар тарбиясига масъул бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, барча таълим муассасалари, маҳалла, ота-оналарни, умуман, барчамизни бепарқ қолдирмайди.

Айниқса, ёвуз кучлар интернетдан фаҳш, гиёҳвандлик ва зўравонлик, терроризм, фашизм, нацизм ва шовинизм каби бало-қазоларни тарқатиш воситаси сифатида фойдаланаётгани эса бунини ёшларга тўғри тушунириш, тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз ёшлар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоизи миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган.

ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ёшларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатмоқда. Ҳатто ўзимизнинг баъзи ёшларимиз учун ҳам интернет ва қўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айланаётгани ўта ташвишлидир. Негаки, оқибатда бундай зиёнли таъсир домига тушиб қолган фарзандларимизда яқинлари ва қариндошларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари сусайиб, миллий қадриятларимизни менсимаслик, эгоизмга мойиллик кучайиб бориши мумкин.

Мафкуравий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, "оммавий маданият" деб қаралаётган мазкур иллат халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган одоб-ахлоқ, ибодат, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, ифбат-андиша каби фазилатларимизга тажовуз қилиб, кўп минг йиллик миллий қадриятларимизнинг илдизига пурта етказилгани ҳам, таассуфки, бор гап.

Бошқача айтганда, ҳамма гап интернетнинг бой ахборот ресурсларидан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишига боғлиқ. Тармоқни таққлаш, ундан иллат излаш билан овора бўлмасдан, аксинча, интернет имкониятларидан Ватанимиз шон-шухратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш ва буни ёшларимизга тушунтиришимиз бугуннинг муҳим масалаларидан биридир.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти барча оммавий ахборот воситалари қатори интернет ҳам ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очишини таъкидлаб, "Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак", деган эди. Биз ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, интернетдаги ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин.

Интернетдан фойдаланувчи ҳар бир фуқаро, аввало, интернетдан фойдаланиш қоидаларини яхши билиши зарур. Хусусан, нотаниш сайтларга кирмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимга шахсий паролни юбормаслик, интернет орқали мулоқот пайтида шахсий маълумотларни киритмаслик ва тахаллус (ник)дан фойдаланиш, катталарнинг назоратсиз ҳеч қачон интернет тизимида танишиб қолган шахс билан учрашмаслик ва компьютер экрандаги маълумотларни қаровсиз қолдирмаслик интернетдан фойдаланиш қоидаларига киради.

Замонавий жамиятда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамма тегишли шахсларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатини талаб қилади. Бунда оиладан бошлаб, таълим муассасалари, кенг жамоатчилик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам масъулдирлар.

Албатта, ёшларнинг юриш-туриши, кийиниши, одоб-ахлоқ ва маданиятига хавф солаётган бу иллатнинг олдини олишда, уларни миллий қадриятларимизга, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш ҳамда турли глобал таҳдидлардан ҳимоялашда жамоат ташкилотларининг, хусусан, маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Маҳаллаларда Маърифат ва маънавият ҳамда Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатиб, улар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, турли ёт маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириб келмоқда.

Айниқса, вояга етмаганларнинг дарс вақтларида "интернет-кафе"лар ва "компьютер клубларида" бўлиши, маънавий-ахлоқий бузуқликни тар-

ғиб этувчи сайтларга кириши ҳолатларига барҳам бериш мақсадида жамоатчилик назорати ташкил этилаётганлиги, ота-оналарга фарзанди олдидаги мажбуриятининг тушунтирилаётгани, "интернет-клублари" раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарлиги ошаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги тизимли ташкил этилган. Ушбу ҳамкорлик доирасида тарбияси оғир ўқувчилар, ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни тарғиб этиш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айти пайтда асосий эътиборни мана шу тизим доирасида ёшларни маънавий таҳдид ва инфорацион хуружлардан ҳимоя қилишга қаратиш лозим.

Инфорацион хуружнинг асосий кўриниши замонавий уяли алоқа воситаси орқали кириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Негаки ёшлар уяли алоқа воситаси орқали бемалол интернетга уланиши ва хоҳлаган сайтга кириши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги куннинг энг муҳим талаби — ота-оналар ўз фарзандларининг уяли алоқа воситасидан ва интернетдан тўғри фойдаланиши бўйича доимий назоратни олиб бориши лозим.

Ота-оналар назорати — бу дастур ва хизматлар, қайсики ота-оналарга болаларни компьютердан қандай мақсадларда фойдаланаётганини, хусусан, интернетдаги мулоқотларни чеғаралашдан тортиб, электрон кутиларни кузатишгача бўлган назорат шакли ҳисобланади.

Тан олиш керак, кўпинча ота-оналар ахборот саводхонлигида ўз фарзандларидан ортда қоладилар, шунинг учун ҳам фарзандлари уйда компьютер ёки телевизор олдида ўтириб, қандай хатарга йўлиқишлари мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлмайдилар.

Ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинларида "Ота-оналар университетлари" ташкил этилган. Ушбу масалаларнинг нақадар долзарб эканлигини инобатга олиб, мазкур университетларнинг машғулотлари режасига "Фарзандингизни ахборот хуружларидан сақланг", "Оилада маънавий-ахлоқий тарбия", "Фарзандингизни зарарли одатлардан асранг" мавзуларини киритиш ва шу орқали ота-оналарнинг ўз фарзандларини ахборот хуружларидан сақлаш бўйича билим ва масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ёшларни турли маънавий таҳдидлар ва инфорацион хуружлардан ҳимоялаш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

— Манфаатдор идора ва ташкилотлар томонидан вояга етмаганларни турли инфорацион

хуружлардан химоялаш мақсадида интернет тармоғидан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ижтимоий-фойдали меҳнатга, тўғаракларга, шунингдек, турли спорт мусобақаларига жалб қилиш;

— Ота-оналар учун фарзандини ташқи маънавий таҳдид ва инфор­мацион хуружлардан химоя қилишда масъулияти, билими ва жавобгарлигини ошириш бўйича интернет ва уяли алоқа воситасидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарқатиш.

— Маънавий тарғибот маркази, "Камолот" ЁИХ билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти, "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари ҳамда ёшларни миллий қадриятлар руҳида тар-

биялашга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш;

— таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ёшларнинг интернетда ҳаёт ва соғлиққа таҳдид солувчи вазиятларда хавфсиз ҳаракат қилиш бўйича малакасини оширувчи мулоқотлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар уюштириш;

— "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларнинг дарс вақтларда "интернет-кафе"лар ва "компьютер клубларида" бўлиши, уяли алоқа телефонлари орқали маънавий-ахлоқий бузқликни тарғиб этувчи, сайтларга кириши ҳолатларига барҳам бериш мақсадида жамоатчилик назоратини тизимли ташкил этиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда, аввало, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ишларни тизимли равишда ташкил этишимиз лозим. Бунинг учун эса ҳар биримиздан фидойилик, ташаббускорлик ва масъулият талаб этилади.



Расул ТЛАВБЕРДИЕВ,
ведущий научный сотрудник Института мониторинга действующего
законодательства при Президенте Республики Узбекистан

ЗАЩИТА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

- ✦ *Мақола мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган.*
- ✦ *Статья посвящена развитию, поддержке частной собственности и предпринимательства в стране, а также вопросам правовой защиты их деятельности.*
- ✦ *The article is devoted to the development, supporting of private property and private businesses in the country, as well as the legal protection of their activities.*

Таянч сўзлар: хусусий мулк, тадбиркорлик, рақобат, қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя.

Ключевые слова: частная собственность, предпринимательство, конкуренция, поддержка, правовая защита.

Key words: private property, entrepreneurship, competition, support, legal protection

Конституция Республики Узбекистан определяет в качестве основы экономики страны, собственность в различных ее формах. Среди всех форм собственности следует выделить частную, поскольку именно она является тем фундаментом, на котором строятся рыночные отношения. Государство гарантирует защиту и неприкосновенность частной собственности.

Обеспечение должной защиты частной собственности и гарантий ее неприкосновенности является одной из первостепенных и актуальных задач, стоящих перед государством в деле развития экономики.

За годы независимости проделана широкомащтабная работа по созданию институциональной и нормативно-правовой баз, направленных на устранение всех преград, ограничений, а также предоставление полной свободы для развития института частной собственности.

Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Абдуганиевич Каримов в своем выступлении на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2015 год, отметил «Важнейшая приоритетная задача, от решения которой во многом зависят устойчивый экономический рост и перспективы нашей страны, уровень и качество жизни населения, — это устранение всех преград и ограничений, предоставление полной свободы на пути развития частной собственности и частного предпринимательства»¹.

Сегодня в результате грамотной и глубоко про-

думанной политике по приватизации в частную собственность фактически переданы многие отрасли, такие, как сельское хозяйство, строительство, торговля, сфера услуг, весь жилой фонд.

Наряду с этим, существенно сокращено присутствие государства в таких отраслях как — производство потребительских товаров, пищевая, швейная, трикотажная, кожевенно-обувная, мебельная и фармацевтическая промышленности.

Право собственности защищается всеми отраслями права — уголовным, административным, гражданским, семейным, хозяйственным, финансовым и другими.

Достаточно сказать, что за годы независимости в сфере экономики принято более 400 законов, которые стали прочным правовым фундаментом развития малого бизнеса и частного предпринимательства, гарантией защиты частной собственности. В их числе законы Республики Узбекистан «О собственности», «О разгосударствлении и приватизации», «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», «О частном предпринятии», «О фермерском хозяйстве», Гражданский кодекс Республики Узбекистан и другие.

Огромное значение в деле укрепления правовых основ свободного развития частной собственности, предпринимательства, малого бизнеса имеют принятые в последние годы законы «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников», «О семейном предпринимательстве», «О разрешительных процедурах в сфере предпринимательской деятельности», «О конкуренции» и ряд

других актов законодательства.

Следует отметить, что именно частная собственность является основой для формирования малого бизнеса и частного предпринимательства. Именно в этой сфере сегодня занято до 77 процентов всего занятого населения, а доля малого бизнеса в валом внутреннем продукте составила 56,7 процентов.

Немаловажную роль в достижении этих результатов сыграли принятые меры по законодательной защите прав и гарантий субъектов предпринимательства и владельцев частной собственности. Основным приоритетом было определено повышение роли судебных органов в защите законных прав и интересов частных собственников, усиление ответственности должностных лиц государственных, правоохранительных и контролирующих органов за незаконное вмешательство в хозяйственную и финансовую деятельность субъектов предпринимательства.

Без преувеличения можно сказать, что принятый 15 мая 2015 года Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития» задал новый вектор для государственной политики в сфере защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства, обеспечения неприкосновенности частной собственности и ее развития.

В соответствии с данным Указом:

введен принцип приоритета прав предпринимателей в их взаимоотношениях с государственными, правоохранительными и контролируемыми органами;

в более чем 40 нормативно-правовых актов внесены изменения и дополнения, направленные на облегчение создания и ведения бизнеса.

Следует отметить, что Указом были введены нормы, усиливающие роль судебных органов в защите частных собственников и предпринимателей. В частности, установлено, что изъятие имущества субъектов предпринимательства в связи с нарушением ими налогового и таможенного законодательства может осуществляться только по решению суда, существенно сокращены сроки рассмотрения искового заявления.

Наряду с этим законодательно внедрен механизм возмещения в полном объеме, включая упущенную выгоду, вреда, причиненного субъекту предпринимательства в результате незаконных решений государственных органов, органов самоуправления граждан или действий (бездействия) их должностных лиц.

Таким образом, государством был значительно усовершенствован механизм гарантирования неприкосновенности частной собственности, используемой в предпринимательской деятельности, от ее незаконного изъятия.

Однако, данный механизм не может функциони-

ровать без одновременного усиления ответственности должностных лиц контролирующих, правоохранительных и иных государственных органов за необоснованное вмешательство в деятельность субъектов предпринимательства и нарушения прав частных собственников.

Законом Республики Узбекистан от 20 августа 2015 года «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на дальнейшее усиление надежной защиты частной собственности, субъектов предпринимательства, снятие преград для их ускоренного развития»^{*2} Уголовный кодекс дополнен Главой XIII-1 (Преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность, и другие преступления, посягающие на права и законные интересы хозяйствующих субъектов).

Статья 192-1 Уголовного кодекса в качестве нарушения прав частной собственности определяет как незаконное ограничение и (или) лишение права собственности, посягательство на частную собственность, навязывание собственнику заведомо неприемлемых условий, включая необоснованное требование передачи имущества или имущественных прав, а также изъятие собственности либо похищение его на отказ от права на собственное имущество при отсутствии признаков хищения.

Следует отметить, что в данной главе содержатся другие нормы, также прямо обеспечивающие защиту частной собственности, используемой в предпринимательской деятельности, к которым можно отнести статьи 192-2 (Нарушение порядка проведения проверок и ревизий финансово-хозяйственной деятельности субъектов предпринимательства), 192-3 (Незаконное приостановление деятельности субъектов предпринимательства и (или) операций по их банковским счетам) и 192-4 (Принудительное привлечение субъектов предпринимательства к благотворительности и иным мероприятиям).

По результатам опроса общественного мнения, проведенного Центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», по итогам социологического опроса на тему «Деловая среда Узбекистана глазами предпринимателей», предпринятые в 2015 году беспрецедентные меры по созданию условий для развития частного сектора экономики и всесторонней поддержке предпринимателей, привели к позитивным результатам.

Опрос 1500 предпринимателей в Республике Каракалпакстан, областях и городе Ташкенте показал, что абсолютное большинство предпринимателей и фермеров положительно оценили существующую деловую среду в Узбекистане. Высокий уровень индекса деловой среды (0,91) подтверждается позитивным настроением 97,3% респондентов в оценках созданных условий для предпринимательства, 94,3% ответов — их дальнейшим улучшением, а также 82,6% — равенством возможностей для успешной предпринимательской деятельности.

Следует также отметить, что в современных условиях развитие частной собственности невозможно рассматривать вне контекста предпринимаемых мер по поддержке малого бизнеса и обеспечению расширения предпринимательской деятельности.

В свою очередь, эффективное правовое регулирование вопросов частной собственности и обеспечение надежных правовых гарантий ее неприкосновенности призвано обеспечить дальнейшее улучшение деловой среды и ускоренное развитие экономики.

Как показывает анализ, все ещё существует ряд проблем в деятельности субъектов предпринимательства, в том числе требующие усиления ответственности должностных лиц контролирурующих органов и недобросовестных субъектов предпринимательства, решение которых также будет направлено на укрепление правовых механизмов защиты частной собственности.

Так, анализ законодательства показывает, наличие правовых пробелов в вопросах ответственности за нарушение авторских прав, что не обеспечивает эффективную защиту прав субъектов предпринимательства, в особенности производителей товаров, пользующихся спросом у населения.

На практике это приводит к тому, что недобросовестные субъекты порой открыто подделывают торговые марки известных производителей либо используют схожие до смешивания наименования, упаковки и т.д. Тем самым, исключается эффективная защита интеллектуальных прав и не обеспечивается здоровая конкурентная среда.

Отмечается низкий уровень правоприменения статьи 192-2 Уголовного кодекса.

Как представляется, одной из причин этого является ее действующая конструкция, предусматривающая обязательное наличие административной преюдиции для наступления уголовной ответственности.

Однако, существующая система плановых и внеплановых проверок, практически исключает применение уголовного наказания. В среднем периодичность проверок составляет 3-4 года, согласно же статье 37 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности если лицо, подвергнутое административному взысканию, в течение года со дня окончания исполнения взыскания не совершило нового административного правонарушения, то оно считается не подвергавшимся

административному взысканию*. Более того, законодательство не конкретизирует обязательно ли для привлечения к ответственности совершение деяния в отношении одного и того же субъекта предпринимательства или они могут быть разными.

Таким образом, действующая редакция статьи 192-2 Уголовного кодекса Республики Узбекистан и соответствующие нормы Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности не обеспечивают реализацию принципа неотвратимости ответственности в полной мере.

Кроме того, отсутствие в законодательстве ясных критериев и оснований для назначения и проведения внеплановых проверок, в особенности краткосрочных, практически делает неприменимыми нормы ст.192-2 УК в отношении незаконного инициирования проверок, поскольку невозможно однозначно определить, насколько обосновано и правильно была инициирована проверка.

Следует подчеркнуть, что также представляет нецелесообразным применять в отношении субъектов предпринимательства наказание в виде лишения его права осуществлять предпринимательскую деятельность.

Применение подобного уголовного наказания к субъекту предпринимательства, отчасти лишает его возможности права свободно распоряжаться частной собственностью.

Исходя из вышеуказанного, предлагаются следующие направления по модернизации судебно-правовой системы в сфере совершенствования мер по защите частной собственности:

разработать и подготовить новые редакции статей 149 и 192-2 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, с целью усиления мер по защите прав субъектов предпринимательства;

установить запрет на применение судами в отношении осужденных лиц наказания в виде лишения права на занятие предпринимательской деятельности;

разработать и утвердить единые критерии и основания для инициирования проверок.

В заключении хочется выразить надежду на то, чтобы уровень правового регулирования отношений в области частной собственности достиг того необходимого уровня надёжности, когда предприниматель в гармонии с государством уверенно идет вперед и без каких-либо опасений вкладывает имеющиеся средства в экономику страны.

* Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год

<http://www.press-service.uz/ru/news/5226/>

² Закон Республики Узбекистан от 20.08.2015 г. № ЗРУ-391 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на дальнейшее усиление надежной защиты частной собственности, субъектов предпринимательства, снятие преград для их ускоренного развития».



Матлуба АМИНЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари, ю.ф.н., доцент

СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

- ✦ Мақолада МДХ давлатларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суғурта хизмати кўрсатишни тартибга солишга доир қонунчилиги таҳлил этилиб, суғурталовчиларнинг жавобгарлигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.
- ✦ В статье проанализировано законодательство Республики Узбекистан и государств СНГ по оказанию страховых услуг, а также выработаны предложения по их совершенствованию.
- ✦ The article highlights the legislation of the Republic of Uzbekistan and some of the CIS countries on rendering insurance services and offers its further improvement.

Таянч сўзлар: суғурта хизмати, суғурталовчи, суғурта ривож, суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти.

Ключевые слова: страхование, страховая деятельность, развитие страхования, роль и значения страхования.

Key words: insurance, insurance activity, historical stages of insurance activity, development of insurance, role and value of insurance.

Маълумки, у ёки бу жамиятда бозор муносабатлари ҳақиқатда қарор топиши, бир маромда ва самарали ишлаб турган бозор механизмлари жорий этилиши учун унга хос бўлган таркибий унсурлар ва инфратузилмалар яратилиши, бу унсурларнинг ўзаро созланган — мувофиқлашган ҳолда аниқ, бир маромда самарали ишлаб туриши тақозо этилади.

Суғурта фаолияти бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликнинг ишончли юритилиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта хизматларини ривожлантириш ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларининг мукамаллигига ҳам боғлиқдир. Лекин, бугунги кунда суғурта муносабатларига доир миллий ва МДХ давлатларининг қонунчилиги таҳлил этилганда айрим нормалар суғурталовчининг манфаатларига хизмат қиладиган тарзда ишлангандек кўринади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 938-моддасида “Агар суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Бу ҳолда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди”¹, деган талаб белги-

ланган. Бу талаб суғурталовчининг манфаатига хизмат қилади. Чунки суғурта объекти қийматининг нотўғри баҳоланишида ҳар доим ҳам суғурта қилдирувчининг айби бўлмаслиги мумкин. Қачонки, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта объекти қийматининг атайлаб, қасддан кўпайтириб кўрсатилган ҳолларда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмаслиги адолатли ҳисобланади. Лекин, 938-модда мазмунида эса ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмаслиги ифодаланган.

Лекин, бундай ҳолатда баҳолаш идоралари ёки суғурта сюрвейер хизмати асосида суғурта объектининг қиймати белгиланиши назарда тутилиши лозим. Яъни баҳолаш идораларининг ёки суғурта сюрвейерларининг янглишиши асосида суғурта объекти қийматининг нотўғри баҳоланиши натижасида суғурта қилдирувчининг ортиқча тўлаган суғурта бадалаи қайтариб берилмаслиги ҳолати вужудга келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 9⁶-моддаси 2-бандига кўра, суғурталовчи суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта сюрвейери хизматидан фойдаланган ҳолда суғурта объектини кўздан кечириши ва унинг тўғри баҳоланганлигини текшириб олиши

лозимлиги белгиланган.

Шунинг учун ҳам суғурта пулининг суғурта объектнинг қийматидан юқори бўлган қисми бўйича тўланган суғурта бадалини қайтариб бермаслик масаласини ҳал этишда суғурталовчининг суғурта объектини кўздан кечиришга оид мажбуриятини бажарган ёки бажармаганлиги ҳам эътиборга олинishi лозим. Чунки суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлган ҳолларда тузиладиган шартномалардан асосан суғурталовчи манфаатдор бўлади. Яъни суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмасдан суғурталовчида қолдирилиши унинг ортиқча даромад орттиришига имконият яратади. Шунинг учун ҳам суғурталовчи суғурта объекти ўз қийматидан юқори баҳоланганлигини билган ҳолда ҳам шартнома тузишга эришишга ҳаракат қилади.

Россия Федерацияси Олий суди пленумининг “Ихтиёрий мулкый суғуртага оид қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги 20-сонли қарориди ҳам агар суғурталовчи суғурта шартномаси тузиш жараёнида суғурталанаётган объектни суғурта қилдирувчи берган маълумотларга қай даражада мослигини текшириб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган, яъни шартнома тузишдан олдин суғурта хавфини аниқлаш мақсадида суғурта объектини текшириб олмасдан тузилган суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталовчи товон тўлашдан озод этилмаслиги қайд этилган². Қайд этилган матннинг мазмунидан кўриниб турибдики, суғурталовчи суғурта объектининг тақдим этилган маълумотларга қай даражада мослигини текшириб олиш мажбуриятини бажариши шарт.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 938-моддаси “Агар суғурта шартномасидаги суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ белгиланганлигини била туриб, келгусида ортиқча тўланган суғурта бадали ҳисобига даромад орттиришни мақсад қилган ҳолда шартнома тузилганда суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ миқдори бўйича тўланган бадал пули суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтариб берилади”, деган мазмундаги 5-қисм билан тўлдирилиши лозим.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида суғурта шартномасини бекор қилишда суғурта мукофотларини қайси тарафда қолдириш масаласи юзасидан В.Сокуренокнинг фикрлари қаттиқ баҳс-мунозарага сабаб бўлди³. В.Сокуренок Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 958-моддаси 3-қисми, 2-хатбошисида белгиланган талабга кўра, “Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди”, деган жумла суғурталовчилар манфаати учун хизмат қилади, деб ҳисоблайди ва суғурта шартномасининг бекор бўлишига оид бундай талаб фақат суғурта ташкилотларининг асоссиз даромад орттиришига хизмат қилади, деган фикри бир қатор олимларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлди⁴. В.Сокуренок буни суғурта қилдирувчини истеъмолчига қиёс-

лаган ҳолда истеъмолчи хоҳлаган вақтда шартномани бекор қилиши ва ўзи тўлаган пул миқдорини қайтариб олиш ҳуқуқига эга, деган фикрлари билан асослайди.

В.Сокуренокнинг ушбу фикрларига А.Орлова “суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишда суғурта мукофотини қайтариб бериш шартини шартномада белгилаш мумкин, шунинг учун бу қондани суғурта қонунчилигида мустаҳкамлаш эҳтиёжи мавжуд эмас”, деган фикрни билдиради⁵.

Т.Ермакова эса адолат тамойили нуқтаи назаридан В.Сокуренокнинг фикрлари ўринли эканлигини қайд этади.⁶

Д.Цветков ва А.Шаронлар эса В.Сокуренокнинг фикрларини қаттиқ танқид қиладилар.⁷

Бизнинг назаримизда, В.Сокуренокнинг фикрлари ўринли бўлиб, суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор бўлганда суғурта мукофотини суғурта қилдирувчига қайтариб бериш масаласини кўриб чиқиш лозим. Бу масала Туркманiston Республикасининг “Суғурта шартномасини бекор қилиш” деб номланган 24-моддасида адолатли белгиланган. Яъни ушбу модда мазмунига кўра, агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг талабига кўра бекор қилинса, шартноманинг амалда бўлган вақтига мутаносиб равишда суғурта бадали ушлаб қолинади ва қолган қисми суғурта қилдирувчига қайтариб берилади. Шартнома суғурта ташкилотининг айби билан бекор қилинса суғурта бадали шартноманинг амалда бўлган муддатидан қатъи назар, суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтариб берилади. Ҳатто суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчи белгиланган талабларга жавоб бермаслик ҳолати бўйича бекор қилинганда ҳам суғурта шартномасининг амалда бўлган муддатига мутаносиб равишда суғурта бадали ушлаб қолиниши ва қолган қисмини қайтариб бериш белгиланган⁸. Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддаси тўртинчи қисмини: “Суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурта бадали шартнома амалда бўлган муддатга мутаносиб равишда ушлаб қолиниб, қолган қисми қайтариб берилади. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг айби билан бекор қилинса суғурта бадали тўлиқ қайтариб берилди”, деган тахрирда берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғурта шартномасини бузганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик чоралари илмий таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиди фақат мажбурий суғуртани амалга оширмаганлик учун суғурта қилдирувчиларнинг жавобгарлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексиди эса суғурта билан боғлиқ жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган. Айрим МДХ давлатларининг амалиёти ўрганилганда, бу давлатларда суғурта фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга жиддий жавобгарлик чоралари белгиланганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Беларусь Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 11.64-моддасиди суғурта фаолиятини амалга ошириш

тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораси белгиланган⁹. Ушбу модданинг 7-бандида суғурталовчининг суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини тўлаш ёки суғурта бадалини белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун тегишли миқдорда жарима тўлаши белгиланган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 11.65-моддасига мажбурий суғурталаш талабларини бузганлик учун, 11.66-моддасида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ўз фаолиятини амалга оширишда қонунларга риоя этмаганлиги учун жавобгарлиги назарда тутилган.

Молдова Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексида суғурта фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун бир неча моддаларда алоҳида жавобгарлик масаласи назарда тутилган. Масалан, ушбу кодекснинг 266-моддасида мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга, 305-моддада суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга, 306-моддасида суғурталовчининг ўз устав капиталини камайтириб ёки кўпайтириб кўрсатганлиги учун, 307-моддада суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг фаолияти билан боғлиқ йўл қўйган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликлар белгиланган¹⁰.

Қозоғистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жавобгарлик чоралари батафсил белгиланган. Яъни ушбу кодекснинг 173-моддасида Қозоғистон Республикасининг суғурта ва

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабини бузганлик, 174-моддасида суғурта ташкилотининг суғурта шартномасини тузиш ва уни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланган.¹¹ Бундай жавобгарлик чораларини Туркменистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси 310-311-моддаларида ҳам кузатиш мумкин.¹²

Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 159-5-моддасида суғурта соҳасидаги фирибгарлик жиноятлари учун жазо белгиланганлигини қайд этиш лозим. Бундай турдаги жиноий жавобгарлик чоралари Венгрия¹³, Германия¹⁴, Македония¹⁵, Албания¹⁶, Эстония¹⁷ каби бир қатор давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳам белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ҳам суғурталовчиларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг “Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган XIII бобига “Суғурта шартномасини тузиш ва ижро этишга оид қонун талабларини бузиш”, “Суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда қонун талабларини бузиш” ҳамда барча мажбурий суғурта шартномаси ижросини бир хилда таъминлаш мақсадида “Мажбурий суғуртани амалга оширишга доир қонун талабларини бузиш” деб номланган янги нормаларни киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т: Адолат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 1-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда.

² Постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации от 27 июня 2013 г №20. «О применении судами законодательства о добровольном страховании имущества граждан.

³ В.Сокурено. Судьба страховой премии при расторжении договора страхования по инициативе страхователя. <http://zakon.ru/strahovanie>. Отрасль права: Гражданское право 21.02.2015. Сфера практики: Страхование.

⁴ В.Сокурено. Судьба страховой премии при расторжении договора страхования по инициативе страхователя. <http://zakon.ru/strahovanie>. Отрасль права: Гражданское право 22.02.2015. Сфера практики: Страхование.

⁵ Шу ерда.

⁶ В.Сокурено. Судьба страховой премии при расторжении договора страхования по инициативе страхователя. <http://zakon.ru/strahovanie>. Отрасль права: Гражданское право 25.02.2015. Сфера практики: Страхование.

⁷ В.Сокурено. Судьба страховой премии при расторжении договора страхования по инициативе страхователя. <http://zakon.ru/strahovanie>. Отрасль права: Гражданское право 22.02.2015. Сфера практики: Страхование.

⁸ Закон Туркменистана “О страховании” Г. Ашгабат, 24 ноября 1995 г. № 89-І. Ст. 24.

⁹ Кодекс Республики Беларусь “Об административных правонарушениях”. (Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 17.03.2013) Принят Палатой представителей 17 декабря 2002 года Одобрен Советом Республики 2 апреля 2003 года. Ст- 11.64

¹⁰ Кодекс Молдова о правонарушениях. (В редакции Законов Республики Молдова от 03.02.2009 г. №16-XVI, 17.12.2009 г. №108, 26.02.2010 г. №14, 04.03.2010 г. №25, 28.05.2010 №102 (см. вступление в силу), ст 266, 305-307.

¹¹ Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях (с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.07.2013 г.) (Настоящий Кодекс введен в действие Законом РК от 30.01.01 г. № 156-ІІ «О введении в действие настоящего Кодекса»). Ст. 173-174.

¹² Кодекс Туркменистана об административных правонарушениях. г. Ашгабат, 29 августа 2013 года. Ст. 310

¹³ Criminal code of Hungary* (*1 Promulgated on 13 July 2012). Section 399, 400, 402, 408.

¹⁴ German criminal code. (Criminal Code in the version promulgated on 13 November 1998, Federal Law Gazette [Bundesgesetzblatt] I p. 3322, last amended by Article 3 of the Law of 2 October 2009, Federal Law Gazette I p. 3214). Section 203, 265, 266a, 277, 278, 279.

¹⁵ Criminal code of the republic of Makedonia/[with implemented amendments from March 2004. Article 167, 168, 250. 273.

¹⁶ Criminal code of the republic of Albania. Law No. 7895, dated 27 January 1995.(Consolidated version as of 2013). Article 145, 170/a, 1248/a.

¹⁷ Penal code Estonia.Passed 06.06.2001. RT I 2001, 61, 364 entry into force 01.09.2002. § 212, 372.

Малика КАЛАНДАРОВА,
Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси, ю.ф.н.

ШАРТНОМА БЎЙИЧА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВОСИТАЛАРИ

- ◆ Мақолада хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиб ҳал этишда шартнома бўйича судловга тегишлиликнинг процессуал жиҳатларига тўхталиб ўтилган.
- ◆ В статье затронуты вопросы о процессуальных аспектах подведомственности споров по соглашению хозяйственным судом.
- ◆ The article raised questions about the procedural aspects of the jurisdiction of disputes under the agreement by the Economic Court.

Таянч сўзлар: ҳудудий судловлилик, судловга тегишлилик, шартномавий судловлилик, келишув, диспозитивлик.

Ключевые слова: территориальная подсудность, подведомственность суду, договоренность, диспозитивность.

Key words: territorial jurisdiction, jurisdiction of the court agreement, optionality.

Ҳудудий судловлиликнинг бир тури сифатида шартнома бўйича судловга тегишлиликка оид процессуал қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шартномавий судловлилик диспозитивлик таъминига асосланган бўлиб, томонларга ҳудудий судловга тегишлиликни мустақил танлаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, шартномавий судловга тегишлилик қоидалари тарафларга ўзаро келишувга кўра низони кўриб чиқиш жойини аниқлаш имконини беради. Бирок, бундай келишув фақат ҳудудий судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари ва муқобил судловга тегишлиликка нисбатан йўл қўйилиши мумкин. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича алоҳида судловга тегишлилик қоидаларини ўзгартириш мумкин эмас.

Судловга тегишлилик тўғрисида келишув, томонлар ўртасида тузиладиган фуқаролик ҳуқуқий шартномага киритилиши мумкин. Ҳудудий судловга тегишлилик тўғрисидаги келишувнинг мажбурияти уни шартнома тарафларидан бири томонидан ўзгартирилишига йўл қўйилмаслигида намоён бўлади. Шунини қайд этиш керакки, судловга тегишлилик тўғрисидаги томонларнинг келишувини ҳам моддий-ҳуқуқий ҳам процессуал характер касб этади. Бундай келишувни тузувчи

томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, шахсларнинг ваколати моддий-ҳуқуқий аҳамият касб этса, мазкур келишувни тузиш оқибати — низонинг судловлигини аниқлаш процессуал характерга эга.

Суд томонидан ишни судда кўриш жараёнида жавобгарнинг шартнома бўйича судловга тегишлилик ҳақида келишувга эришилаётган пайтда янглишилганлик, алдов ёки уни тузган шахсларнинг ваколатга эга бўлмаганлиги ҳақидаги важларига, шунингдек шартномада судловга тегишлилик шартларига оид белгиланган муддатнинг ўтганлиги ёки у ҳақидаги келишув бекор қилинганлиги ҳақидаги тарафларнинг кўргазмаларига баҳо бериши лозим.

Жумладан, тарафлар "Ж" масъулияти чекланган жамияти (даъвогар) билан "С" хусусий корхонаси (жавобгар) ўртасида 2014 йил 1 майда 5-сонли пудрат шартномаси имзоланган бўлиб, мазкур шартномага асосан даъвогар "Ж" масъулияти чекланган жамияти томонидан 16.497.300 сўмлик ишлар бажарилган.

Даъвогар шартномавий мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлар натижасини жавобгарга топширган. Ишларнинг бажарилганлиги тарафлар ўртасида тузилган бажарилган ишларнинг ҳисоб-варақ фактураси билан ҳам ўз тасдиғини топади. Бирок, жавобгар томонидан бажарилган ишлар учун тўловлар

амалга оширилган.

Натижада "Ж" масъулияти чекланган жамияти шартнома бўйича судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда жавобгар "С" хусусий корхонаси жойлашмаган жойдаги хўжалик судига қарздорликни ундириш юзасидан даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Кейинчалик, хўжалик суди томонидан пудрат шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ва ундаги судловга тегишлиликка оид шартлар ҳам ҳақиқий эмас деган хулосага келган.

Шунга кўра, суд томонидан низо жавобгар жойлашган жойдаги суд томонидан кўриб чиқиши лозимлигига асосланиб, ишни бошқа вилоят хўжалик судига ўтказиш ҳақида ажрим чиқарган ва ишни ўтказган.

Назаримизда, суднинг ушбу хулосаси асосиз ҳисобланади, чунки асосий пудрат шартномаси ва судловга тегишлилик ҳақидаги келишув бир-бирига нисбатан мустақил ҳисобланади.

Бундан ташқари, юқорида ҳал этилган иш бўйича суд ўзини мазкур ишни ҳал этишга ваколатсиз деб ҳисобса-да, ишни бошқа судга ўтказиш ҳақидаги ажримда пудрат шартномасининг ҳақиқий эмаслигига баҳо берган ҳолда ишнинг мазмунига кирган, низо юзасидан хулоса қилиб, унинг натижасини олдиндан ҳал қилган.

Судловга тегишлиликнинг шакли тўғрисида Хўжалик процессуал кодексида тегишли норма назарда тутилмаган. Келишувнинг процессуал характери касб этишидаги оқибатидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг шаклига қўйиладиган талаб Фуқаролик кодексининг шартнома шакли тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиқиши лозим. Яъни Фуқаролик кодексига кўра, юридик шахсларнинг ўзаро ёки фуқаролар билан тузатилган битимлари ёзма шаклда бўлиши лозим.

Бироқ, судловга тегишлилик ҳақидаги келишувга моддий ҳуқуқ нормалари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари қўлланилмайди. Процессуал қонунчиликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда шартномавий судловга тегишлилик ҳақидаги келишувнинг шаклига оид процессуал нормаларни ишлаб чиқиш лозим.

Худудий судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларини ўзгартириш тўғрисидаги шартнома ҳар қандай шаклда, масалан, алоҳида келишув, асосий шартномага киритилган келишув тарзида тузилиши мумкин. Судловлиликнинг умумий қоидаларини ўзгартириш тўғрисидаги келишув хўжалик суди томонидан даъво иш юритувга қабул қилингунга қадар, яъни суд томонидан даъво аризасининг юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунча тузилиши ло-

зим. Ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолда тузилган келишув ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди ва у хўжалик суди томонидан қабул қилинмаслиги лозим.

Шартномавий судловлилик қоидалари асосида судловлиликни аниқлашда, агар даъво бир нечта жавобгарга қаратилган бўлса-ю, лекин уларнинг биттаси билан даъвогар ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида келишув бўлса, ушбу даъвонинг судловга тегишлилиги масаласини ушбу келишув билан аниқланиши мумкин эмас ва худудий судловлиликнинг умумий қоидаларидан келиб чиқиб масалани ҳал этиш лозим.

Шунингдек, судловга тегишлиликни ўзгартириш тўғрисидаги келишув нафақат тарафлар, балки суд учун ҳам мажбурийдир. Судья тегишли тартибда берилган аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас ва уни иш юритувга қабул қилиши лозим.

Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, якка тартибдаги тадбиркор "Туранов Акмал Толипович" ва қарздор "Замин" хусусий корхонаси ўртасида 2013 йил 2 мартда 02/03-сонли пудрат шартномаси тузилган. Унга кўра, "Замин" хусусий корхонаси буюртмачи ва якка тартибдаги тадбиркор "Туранов Акмал Толипович" пудратчи бўлган.

2013 йил 10 ноябрда кредитор якка тартибдаги тадбиркор "Туранов Акмал Толипович", янги кредитор "Турон" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси ва қарздор "Замин" хусусий корхонаси ўртасида талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313-моддасига кўра, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 315-моддасига кўра, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан, янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномасида низо даъвогар жойлашган жойдаги хўжалик судида кўриб чиқиши ҳақида келишиб олинган.

Шунга кўра, "Турон" масъулияти чекланган

жамият шаклидаги хорижий корхонаси ўзи жойлашган жойдаги хўжалик судига мурожаат қилган.

Бироқ, суд томонидан Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддаси 1-қисми 3-бандига мос равишда иш мазкур хўжалик судининг судловига тегишли эмаслиги асосида даъво аризаси қайтарилган. Суд томонидан асос сифатида, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида тарафлар даъвогар жойлашган жойдаги судда даъвогар кўриб чиқилиши ҳақида келишиб олинмаганлиги, Хўжалик процессуал кодексининг 27-моддасида назарда тутилган умумий қоидага кўра, даъвогар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилиши келтирилган.

Назаримизда, хўжалик процессуал қонунчилигига талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасидан келиб чиқадиган даъвогар дастлабки шартномада назарда тутилган келишувга кўра ёки даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик қоидалари асосида ҳал этилишига оид меъёрларни киритиш лозим, бу эса ишларни ўз муддатида кўриб чиқилишига, одил судловни тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасининг ҳал этилишига имкон яратади.

Бундан ташқари, айтайлик, агар даъвогар бир нечта жавобгарнинг биттаси билан шартнома бўйича судловга тегишлилик юзасидан келишувга эришган бўлса, ушбу ҳолатда даъвогар бир нечта жавобгарга нисбатан даъво тақдим этаётганида мазкур келишувга асосланиб судга мурожаат қилиши мумкинлиги масаласи ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади. Жумладан, амалиётда қарздорнинг розилигисиз кафиллик шартномасида судловга тегишлилик масалалари ҳақида келишувга эришилиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 293-моддасига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда даъвогарнинг бир нечта даъвогарга нисбатан даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

Ушбу ҳолатда кредитор кафил билан тузил-

ган келишувга асосан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?

Яна бир ҳолат, агар акциядорлик жамияти томонидан йирик битимни тузиш қоидаларига зид равишда битим тузилган бўлса-ю, акциядорлар акциядорлик жамияти билан тузилган ўзаро келишувга кўра, ушбу жамият билан боғлиқ низо-ни ҳал этишнинг судловлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилганларида, ушбу судловлилик юзасидан тузилган келишув йирик битимнинг бошқа тарафи бўлган жавобгарга нисбатан ҳам татбиқ этиладими?

Бир тарафдан олиб қарайдиган бўлсак, даъвогарнинг шартнома бўйича судловга тегишлилик тарафи бўлмаган жавобгарнинг иштироки-сиз даъво-ни судда кўриб чиқишнинг имконияти мавжуд эмас. Юқорида назарда тутилган ҳолатларда даъвогар билан жавобгардан бири ўртасида тузилган судловга тегишлилик ҳақидаги келишувга асосан даъво тақдим этиб бўлмайди, чунки икки шахс ўртасидаги келишув шартномани тузишда иштирок этмаган шахснинг ҳуқуқий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Бироқ, ушбу ноаниқликка Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумида назарда тутиш орқали тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, судлар томонидан судловга тегишлилик қоидаларининг бузилганлиги суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳолатига тўхталиб ўтсак.

Хўжалик процессуал кодексининг 170-моддаси 2-қисми ва 188-моддаси 3-қисмига кўра, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилган.

Бироқ, Хўжалик процессуал кодексига судлар томонидан судловга тегишлилик қоидаларининг бузилганлиги учун суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолат турли мунозараларга сабаб бўлган, баъзилар судловга тегишлилик қоидаларининг бузилганлиги суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлмаглигини, яъни низо бошқа орган томонидан эмас, айнан суд томонидан кўриб ҳал этилганлиги билан асослашса, айрим назариётчи ва амалиётчилар низо қонун бўйича тегишли ваколатли суд томонидан кўриб чиқилиши акс ҳолда иш ноқо-

нуний таркибда кўрилганлиги билан тенглаштиришади.

Фикримизча, агар ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида тарафлар иш судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги ҳақида судга эътирознома билан мурожаат қилиб, бироқ у суд томонидан рад этилган тақдирда юқори турувчи инстанциялар томонидан судловга тегишлилик қоидалари бузилганлиги масалаларини кўриб чиқиши мумкин, ушбу ҳолатда, апелляция инстанцияси суди судловга тегишлилик қоидалари бузилганлигини аниқласа, суд ҳужжатини бекор қилиши ва судловга тегишлилик қоидалари бўйича ишни кўриши лозим бўлган ваколатли судга янгидан кўриш учун юбориши лозим.

Агар ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида тарафлардан бирортаси судловга

тегишлилик қоидалари бузилганлиги ҳақида эътироз билдирмаса, кейинчалик улар ушбу тегишлилик қоидалари бузилганлиги ҳақида эътироз билдира олмайдилар, бу қоида Германия, Австрия қонунчилигида ҳам ўзифодасини топган.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг барча хўжалик судлари бир хил мустақилликка эга ва ўзларига тааллуқли хўжалик ишларини ҳал этишда холисдирлар.

Хулоса қилиб айтганда, судловга тегишлилик қоидаларини илмий тадқиқ қилиб ўрганиш орқали уни амалиётда қўллашнинг самарадорлигини оширишга, бу борада келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олишга, назарий жиҳатдан асосланган таклифлар орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишга, одил судловнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.



Отабек МАХКАМОВ,
Тошкент давлат юридик университети «Жиноят ҳуқуқи
ва криминология» кафедраси мудири, ю.ф.д.

ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

- ◆ Мақола жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига бағишланган бўлиб, унда муаллиф томонидан ушбу жиноят юридик таҳлил қилинган, унинг квалификациясига оид фикрлар баён этилган ҳамда криминологик тавсиф берилган.
- ◆ Статья посвящена уголовно-правовым и криминологическим аспектам легализации доходов, полученных от преступной деятельности, в которой автором проведен юридический анализ, выдвинута точка зрения по квалификации и дана криминологическая характеристика.
- ◆ This article describes criminally-legal and criminological aspects of legalization of proceeds derived from criminal activity, in which the author carried out a legal analysis, put forward views on the qualification and gave criminological characteristics.

Таянч сўзлар: жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, легаллаштириш, жиноий жавобгарлик, жиноятни квалификация қилиш, криминологик тавсиф.

Ключевые слова: доходы, полученные от преступной деятельности, легализация, уголовная ответственность, квалификация преступления, криминологическая характеристика.

Key words: proceeds derived from criminal activity, legalization, criminal responsibility, crime qualification, criminological characteristics.

Жиноятчилик тарихан ўзгарувчан ҳодисадир. XX асрга келиб жиноятчиликнинг турли хил янги кўринишлари вужудга келди. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, терроризмни молиялаштириш, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда талон-торож қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хўжалик соҳасидаги жиноятлар ва бошқалар.

Этиборли томони шундаки, иқтисодиёт соҳасидаги ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳам вақт ўтиши билан ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда мазкур соҳадаги жиноятлар қаторида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш юқори хавф туғдирмоқда.

Ўз табиатига кўра жиноий даромадларни легаллаштириш у ёки бу жиноят содир этилиши оқибатида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур жиноят учун жавобгарлик ўрнатилишининг асосий сабаби — бирламчи жиноят содир этилишидир.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг учун жавобгарлик 243-моддада белгиланган. Мазкур жиноят қонун чиқарувчи томонидан “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” тоифасига киритилган. Демак, ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган норманинг Жиноят кодекси Махсус қисмида жойлашувини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг объекти жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Лекин, ушбу жиноятнинг юридик таҳлили шунини кўрсатадики, мазкур жиноятнинг бевосита объектини мамлакатнинг иқтисодиёт асослари ва иқтисодий хавфсизлиги ташкил этади.

Чунки, **жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш** — жиноий фаолият натижасида топилган мулкни **ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тўс бериш** ва **бошқа ҳаракатларни** ўзида ифода этувчи қилмишлар билан содир этилади. Шунингдек, мазкур жиноятнинг предметини турли шакл-

даги мол-мулк ёки пул маблағлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида келтирилган таърифга кўра, **жиноий фаолиятдан олинган даромадлар деганда** — жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тушунилади¹. Бизнинг фикримизча, мазкур жиноятни жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар эмас, балки иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, **жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг предмети** ушбу жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда жиноят предмети айнан жиноий фаолият натижасида олинганлиги ва олинган даромаднинг (мол-мулк ёки пул маблағлари) миқдорини аниқлаш қилмиш-ни квалификация қилишнинг муқаррар шарти ҳисобланади. Бунда бирламчи жиноят натижасида орттирилган бойлик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари предметининг қийматлари бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Агар шахс томонидан легаллаштирилган мол-мулк ёки пул маблағлари бирламчи жиноят предметининг қийматидан кам бўлса, унда **жиноий фаолиятдан олинган даромадлар қисман легаллаштирилган**, деб топилиши керак.

Жиноят кодекси 243-моддаси диспозициясига эътибор қаратадиган бўлсак, унда жиноят предметининг миқдори (суммаси) аниқ кўрсатилмаган ва мазкур норма бир қисмдан иборат. Шундай экан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг миқдоридан қатъи назар, жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Ваҳоланки, ушбу жиноят ўзининг хавфлилики даражасига кўра **оғир жиноятлар** тоифасига киритилган. Фикримизча, бу турдаги жиноят учун жавобгарликни дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноятнинг предметини миқдор нуқтаи назардан икки турга ажратиш керак. Жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни **кўп (биринчи қисм) ва жуда кўп миқдорда (иккинчи қисм)** легаллаштирилганлик учун жавобгарликка ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда **кўп миқдорда** жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш-ни **унча оғир бўлмаган жиноятлар** тоифасига киритиб, унинг учун максимал жазо муддати сифатида **беш йилгача озодликдан маҳрум**

қилишни белгилаш лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш **объектив томонидан ҳаракат ҳамда ҳаракатсизликда ифодаланиб**, жиноий фаолият натижасида топилган мулкни **ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш**, худди шунингдек, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини **яшириш ёхуд сир сақлашдан** иборатдир.

Кўриниб турганидек ушбу жиноятнинг объектив томонини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Жиноий фаолият натижасида топилган мулкни: **ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш**;

2. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини **яшириш ёхуд сир сақлаш**.

Умуман олганда, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозим. Чунки, шахснинг мулкни ўтказиш ёки мулкка айлантириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус беришга қаратилган бўлади. Демак, мулкка қонуний тус бериш жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига кўра, мулкка қонуний тус бериш **пул маблағлари ёки бошқа битимлар** тузиш орқали амалга оширилади.

Молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварақларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, ноқонуний топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Битимлар орқали содир этиладиган легаллаштириш деганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлаш ва шу каби бошқа шартномалар тузилиши тушунилади².

Жиноят объектив томонининг яна бир белги-

си, бу мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини **яшириш ёхуд сир сақлаш-дир**. Жиноят объектив томонининг ушбу белгиси ўзига хос хусусият, яъни унинг ҳаракатсизлик сабабли содир этилиши билан ажралиб туради. Мазкур ҳаракатсизликни ҳам **икки гуруҳга** ажратиш мумкин:

1. **Яшириш;**
2. **Сир сақлаш.**

Мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш аралаш ҳаракатсизлик, яъни ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик билан содир этилса, сир сақлаш фақатгина ҳаракатсизликда ифодаланadi. Яшириш ўз хусусиятига кўра турли хилдаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин, шу жумладан, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки уларни йўқ қилиш йўли билан. Фикримизча, мазкур усул билан легаллаштириш содир этилса, айбдорнинг ҳаракатларини мансаб сохтакорлиги ёки ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик белгиланган нормалар билан қўшимча равишда квалификация қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу ҳаракатлар легаллаштириш жиноятини содир этиш усули ҳисобланади.

Сир сақлаш эса, юқорида қайд этилганидек, фақатгина ҳаракатсизликда ифодаланиб, жиноий фаолият натижасида топилган даромад ҳақида маълумотга эга бўлиб, уни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик тушунилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, жиноий фаолият натижасида топилган даромадни яшириш ва сир сақлашни жиноятга дахлдорликдан ажратиш лозим. Бундай ҳолларда учинчи шахсларнинг, яъни бундай даромадларнинг мавжудлигини яширган ёки сир сақлаган шахсларнинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 241-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Бунда улар Жиноят кодекси 28-моддаси орқали 243-моддаси билан жавобгарликка тортилишлари лозим. Эътиборли томони шундаки, агар жиноий йўл билан топилган даромадларни сир сақлаган шахс, айбдорнинг яқин қариндоши бўлса, унда у жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак, бунда яшириш ва сир сақлаш ҳақида яқин қариндошлар томонидан олдиндан ваъда берилмаган бўлиши лозим.

Мазкур жиноят объектив томонининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш Жиноят кодекси 171-моддасида жавобгарлик назарда тутилган норма — “Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш” билан ўхшаш

кетaди. Фикримизча, мазкур жиноятларнинг асосий фарқи мулкка қонуний тус берилганлиги ёки берилмаганлигидадир. Яъни легаллаштиришда мулкка қонуний тус берилadi, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишда эса мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмайди.

Жиноят таркибининг яна бир муҳим элементи бу субъектив томондир. Жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштириш фақатгина тўғри қасддан содир этилади. Бунда айбдор мулк ва пул маблағларини жиноий фаолият натижасида олинганлигини билади, мулкни легаллаштиришга кўзи етади ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадга қонуний тус беришни истайди. Ушбу жиноят гараз ниятларда содир этилади.

Мазкур жиноятнинг субъектив томони ушбу қилмишни иштирокчиликда содир этилганида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, жиноий фаолият натижасида орттирилган даромадга нисбатан мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда, ҳар бир ҳолат бўйича шахс мазкур мол-мулк жиноий фаолият натижасида орттирилганлигини аниқ билган-билмаганлиги аниқланиши шарт. Масалан, агар шахс жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олди-сотди шартномаси тузган бўлса ва олувчи сотувчида мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англаган ҳолда бу мулкни сотиб олса, олувчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ЖК 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг содир этилишига оид статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг бирламчи жиноятини асосан иқтисодиёт соҳасидаги ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар ташкил этади. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда), фирибгарлик (168-модда), валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (177-модда), солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда), тижоратда пора эвазига оғдирриш (192-9-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда), пора олиш (210-модда) ва бошқалар.

Эътиборли томони шундаки, юқорида қайд этилган аксарият жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддаларда рағбатлантирувчи нор-

малар ўз аксини топган. Жумладан, Жиноят кодекси 167, 168 ва 184-моддаларида етказилган зарар ўрни қопланган тақдирда айбдор шахсга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги белгиланган. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш бирламчи жиноятга узвий боғлиқ бўлганлиги ҳамда Жиноят кодекси 243-моддаси санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазолар белгиланмаганлиги сабабли, ушбу моддага куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, Жиноят кодекси 243-моддаси санкциясига жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини киритиш орқали уни куйидаги таҳрирда баён этиш:

“Энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Иккинчидан, Жиноят кодекси 243-моддасини куйидаги таҳрирдаги рағбатлантирувчи норма билан тўлдириш:

“Агар шахснинг содир этган бирламчи жинояти учун жавобгарлик белгиланган нормада етказилган зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгиланган бўлиб, айбдор томонидан ушбу зарар қопланса, унга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлик учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди”.

Учинчидан, Жиноят кодекси 243-моддасини куйидаги таҳрирда рағбатлантирувчи норма билан тўлдириш:

“Тайёргарлик кўриладиган ёки содир этиладиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди”.

Криминологик тавсифни давом эттирар эканмиз, мазкур жиноятни содир этган шахсларнинг аксариятини 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган, тадбиркорлик ёки давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатувчи шахслар ташкил этишини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ушбу жиноятнинг асосий детерминантлари енгил йўл билан бойлик орттириш ва жиноий йўл билан топилган мулкка қонуний тус бериш орқали, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни асл келиб чиқишини яшириш ҳисобланади.

Жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасини куйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Махсус ваколатли давлат органи томони-

дан амалга ошириладиган назоратни кучайтириш. Бунда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш, жиноятнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг таҳлили бўйича қабул қилинадиган йиллик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда бу соҳадаги жиноятларга қарши курашувчи орган ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан семинар-тренинглар ўтказиш.

2. Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини кенгайтириш. Жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик белгиланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида умумий профилактика ишларини олиб бориш лозим.

3. Турли тизимларга жойлаштирилган жиноий даромадлар, пуллар, товар-моддий бойликлар ҳақидаги маълумотлар ошкоралигини таъминлаш; пул-товарлар оқими ҳақидаги маълумотлардан самарали фойдаланган ҳолда хорижий давлатларда жойлашган кўчмас ва кўчар мулк шаклидаги жиноий даромадларни излаш ҳамда мусодара қилишни амалга ошириш ва бошқалар.

Ўқоридаги жиноят-ҳуқуқий ва криминологик таҳлилдан келиб чиқиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга самарали қарши курашиш ва мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларини давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 243-моддасини куйидаги, янги таҳрирда баён этиш тақлиф этилади:

“243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш **кўп миқдордаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса,**

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш **жуда кўп миқдордаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса,**

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари-

ридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахснинг содир этган бирламчи жинояти учун жавобгарлик белгиланган нормада етказилган зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгиланган бўлиб, айбдор томонидан ушбу зарар қопланса, унга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлик учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортил-

майди”.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг бирламчи жиноятини асосан иқтисодиёт соҳасидаги ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар ташкил этади. Ушбу жиноят мамлакатнинг иқтисодиёт асослари ва иқтисодий хавфсизлигига жиддий зарар етказади. Мазкур жиноятни квалификация қилишда дастлабки тергов ва суд органлари жиноятнинг барча элементларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, баҳолашлари лозим. Юқорида қайд этилган ўзгартириш ва қўшимчалар эса мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий давоми бўлиб, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг назорат қилинишини кучайтиришга ва мазкур тоифадаги жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда

² http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1766419

Талантбек МАДУМАРОВ,
Андижон Давлат университетети «Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими» кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

БАНК СИРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада банк сири тушунчаси, унинг молия-банк тизимида тутган ўрни, банк сирининг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳага оид хорижий илмий-назарий қарашлар, миллий қонунчилигимизга мувофиқ банк сирининг бошқа тижорат сирларидан фарқли жиҳатлари ва ушбу соҳага оид илмий таклифлар ифодаланган.

◆ В статье изложены понятия банковского секрета, его роль в финансово-банковской системе, правовые основы банковского секрета и научно-теоритические иностранные взгляды, различия банковского и других коммерческих секретов в национальном законодательстве и научные предложения касающиеся данной сферы.

◆ In article concepts of a bank secret, his role in a financial banking system, legal bases of a bank secret and scientific theory foreign views, bank distinctions and others commercial secrets in the national legislation and the scientific offers concerning this sphere are stated.

Таянч сўзлар: банк сири, фирром рақобат, молиявий институт, микромолиявий ташкилотлар, банк омонати ёки ҳисобварағи, банк мижози, банкнинг мажбурияти.

Калит сўзлар: банковская тайна, нечестная конкуренция, финансовый институт, микрофинансовые организации, банковские вклады или банковский счёт, клиент банка, обязанности банка.

Key words: bank secrecy, unfair competition, financial institution, microfinancial organizations, bank deposits or bank account, client of bank, obligation of bank.

Кейинги йилларда банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиши билан банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди. Чунки, яқин пайтларгача банклар, банк операциялари, ҳисоб-китоблар юристлар учун мавҳум ва кўп ўринларда ҳуқуқий майдон доирасидан ташқарида қолиб кетаётган эди. Бироқ ҳозирда вазият кескин ўзгарди.

Эндиликда банклар томонидан амалга оширилаётган турли операциялар, улар томонидан қўлланилаётган турли қоидалар ва атамалар ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан тушунилиб, қўлланилиб келинмоқда. Ана шундай тушунчалардан бири – бу банк сири ҳисобланади.

Банк сирини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, банк сири ҳисобланадиган маълумотларнинг ошкор қилиниши банк омонати ёки ҳисобварағига эга бўлган шахснинг хавфсизлиги ва ишчанлик обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк сирининг ҳуқуқий тушунчаси умумий тарзда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси(ФК)да, “Банк сири тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунларда берилган. ФКнинг 786-моддасига биноан банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши банклар томонидан кафолатланади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар фақатгина қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилишига йўл қўйилади.

“Банк сири тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, банк сири банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборатдир: ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маъ-

лумотлар;

банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

Амалдаги қонунчиликда “сир” тушунчасининг легал ифодаси берилмаган. Бироқ юридик адабиётларда мазкур атама бир қадар таҳлил этилган. Хусусан, Н.Д.Раимованинг фикрича, сир – қонунчиликка мувофиқ олиниши ва фойдаланиши чекланган ва уларнинг махфийлиги режими бузилиши эгасига зарар келтириши мумкин бўлган ва шу сабабли ҳам бузилганлиги учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни юзага келтирган турли маълумотлардир¹.

О.Оқюловнинг таъкидлашича, сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар ўз мазмуни, характери бўйича турлича ҳуқуқий режимга эга ва шу сабабли ҳам ҳуқуқнинг турли соҳалари билан қўриқланади².

Банк сирининг ҳуқуқий режимини қуйидаги умумий ҳолатлар билан тавсифлаш мумкин:

1. Банк сирини ахборот ҳуқуқий режимининг турларидан бири бўлиб, унга нисбатан чекланган махфий ахборот режими қўлланилган ҳолда, банк сирини махфий ахборотлар гуруҳига мансуб ҳисобланади. Х.А.Палуаниязов банк сирини шахсга оид махфий ахборотлар гуруҳига киришини таъкидласа³, И.И.Насриев банк сирини шахсий ҳаёт сирини бўлган ҳуқуқлар⁴ таркибига киритишни таъкидлади.

Фикримизча, банк сирини махфий ахборотлар таркибига киради ва учинчи шахсларга ошкор этилиши мумкин эмас. “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади. Шу боис банк сирини махфий ахборот сифатида муҳофаза қилиниши ва ошкор этилиши мумкин эмас. Бироқ, бу ўринда қонунда бундай махфийлик нисбатан чеклашлар мавжудлигини ҳам унутмаслик ло-

зим. Бу эса, ўз навбатида, банк сирини чекланган махфий ахборот эканини кўрсатади.

2. Банк сирининг режими махфий ахборотлар режимига киради ва шахсий, тижорат ва хизмат сирлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Албатта, банк ахборотини тижорат сирлари эмас, балки махфий (касбий) маълумотлар режимига киритиш мезони асослироқ бўлиб, банк сирини режими билан муҳофаза қилинадиган ахборотларнинг белгилари айнан махфий сирларга мансублигини кўрсатади. Бунда амалдаги қонунчиликни таҳлил этган ҳолда мазкур режим билан муҳофаза қилинадиган ахборотнинг махфийлигини ўрганиш асосида банк сирини тижорат сирлари таркибига киритиш асоссиз эканини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда барча банклар тижорат ташкилотлари ҳисобланади. Шу сабабли банк сирини оид маълумотларни муҳофаза қилиш тижорат сирини режими оид бўлиши керак, деган тасаввур уйғониши мумкин. Лекин, банк сирини режими мансуб ахборотни муҳофаза қилиш механизми тижорат ахборотидан бутунлай фарқ қилади.

Гап шундаки, тижорат сирларидан фарqli равишда ахборотларнинг махфийлиги белгиси банк сирини режимидаги муҳофаза учун асосий мезон ҳисобланмайди. Банк сирини режимидаги ахборот маълумот мазмунининг махфийлиги билан бирга, уларни эркин олиш чораси ҳам ҳисобланади. Банк сирини махфийлик лицензияланган махфий фаолияти жараёнида вужудга келади ва кўплаб қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинса, тижорат сирини ҳар бир корхона учун индивидуал бўлиб, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича ташкилотнинг ички фаолиятига оид ҳисобланади. Унинг эгаси муайян ҳолатларда ўз даромадларини ошириш, ўзини оқламайдиган харажатларни четлаб ўтиш, ишлар, товарлар ва хизматлар бозорида ўз ўрнини сақлаб туриш ёки муайян фойда кўриш имкониятига эга бўлади. Тижорат ташкилоти сифатида ҳар қандай банк сирини режимида муҳофаза қилинадиган ахборот билан бирга, ички тижорат сирини ҳам эга бўлади ва ушбу сирлар “Тижорат сирини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Бироқ, кредит ташкилотининг ижро этувчи органи тижорат ташкилотларида тижорат ахборотларида бўлгани каби банк сирини оид маълумотларнинг рўйхатини белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Банк сирини тижорат сирини каби махсус локал норматив ҳужжат билан тартибга солиниши талаб қилади. Аммо банк сирини оид маълумотларнинг рўйхати, юқорида эътироф этилганидек, “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланган ва банклар, мижозлар ва вакиллар учун бирхиллиги қайд этилган. Банк сирини бўлган маълумотларни олиши мумкин бўлган банкдан

ташқари шахслар доираси ҳам қонун билан белгиланган ва улар кенгайтирилиши мумкин. Қонунда назарда тутилмаган шахсларга мижознинг розилигисиз бундай маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, чекланган фойдаланишдаги ахборотлар режимини турларга бўлиш мезонларини баҳолаб, қайд этиш мумкинки, тижорат сири энг аввало ахборотнинг эгаси учун нисбий тижорат қийматига эгаллиги билан ажралиб туради. Бунда “тижорат” атамаси ахборотни иқтисодий мазмунидаги маъносига кўра алоҳида тур эканини эмас, балки ташкилотнинг тижорат фаолияти хусусидаги маълумотларнинг махфий эканини аниқлатади. Натижада тижорат сири режими ҳар доим хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида бўлса, айни пайтда банк сири режими, профессионал сирлар режими ҳам оммавий тартибга солиш элементларига эга ҳисобланади.

Юридик адабиётларда банк сири хизмат сирлари режимига мансублиги хусусидаги фикрлар ҳам мавжуд⁵. Бундай нуқтаи назар ҳам баҳслидир. Чунки, хизмат сирларини муҳофаза қилиши лозим бўлган субъектлар сифатида ҳар доим давлат органи ёки давлат корхонаси ҳисобланади ва тижорат банкларининг ходимлари бундай субъект ҳисобланмайди.

Юқорида қайд этилганидек, банк сирининг режими казуал тусга эга, қонунчилик муайян маълумотни банк сирига мансублиги ҳолатлари ва асосларини назарда тутаяди ва уларни тарқатиш ва олишни чеклайди, холос.

3. Чекланган фойдаланиш режимига оид умумий нормалар билан бирга, банк сири қонуности ҳужжатлари даражасида белгиланган махсус таомиллар ва қоидалар билан тартибга солинади.

О.Оқюловнинг фикрига кўра, банк сири ўз моҳиятига кўра тижорат сирларига яқин туради (баъзан у бевосита тижорат сирлари таркибига кириши ҳам мумкин). Бундай сирлар банкларнинг ўз мижозлари ва гунаҳталари (мижозлари)нинг операциялари, ҳисоб рақамлари ҳамда омонатлари бўйича маълумотлар ҳисобланиб, уларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти қонунга асосан

банклар зиммасига юкланади⁶.

В.Н.Лопатиннинг фикрича, банкнинг банк сирини муҳофаза қилиш мажбурияти банк ва мижоз ўртасида шартнома тузилиши билан бошланади ва шартнома амал қилиб турган бутун вақт мобайнида кучда бўлади. Шу муддат мобайнида банк мижозга оид маълумотлар ошкор бўлмаслигини таъминлаши лозим⁷.

Фикримизча, банк сирини муҳофаза қилиш бўйича банкнинг мажбурияти – бу энг аввало, банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномадан келиб чиқади ва махсус қонунчиликда назарда тутилган талабларга банкнинг риоя этишини тақозо этади.

Юқорида айтганимиздек, банк сири профессионал, яъни касбга оид сирлар ҳисобланади ва уни муҳофаза қилиш шу касб билан шуғулланаётган шахслар зиммасига юкланади.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг турларидан бири бўлган банк сирини муҳофаза қилиш усулларида бири ҳам ушбу ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликнинг мавжудлигидир.

“Банк сири тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноқонуний равишда ошкор қилганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганлиги ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

“Банк сири тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида банк сирига оид маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши белгиланган. Бироқ бу ҳолат амалдаги ФҚда акс эттирилмаган. Бу эса, ўз навбатида, банк сирининг муҳофазасига нисбатан турли зиддиятларни вужудга келтириши мумкин. Фикримизча, ФҚ ва “Банк сири тўғрисида”ги Қонун нормаларини бирхиллаштириш мақсадида ФҚнинг 786-моддасига алоҳида қисм сифатида қуйидаги қоида киритилиши зарур: *“Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлишига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда йўл қўйилади”*.

¹Раимова Н.Д. Правовой режим конфиденциальной информации в предпринимательских правоотношениях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Ташкент: 2012. –С.8.

²Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. 214-б.

³Палуаниязов Х.А. Банковская тайна в спектре охраны персональных данных граждан Республики Узбекистан // ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. –№6. –С.43-44.

⁴Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: Ф.Фулом нашриёти, 2006. 85-б.

⁵Елютина Е.В. Правовая регламентация сохранения тайны // Государство и право. 2002. –№ 8. –С.16-23.

⁶Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. 214-б.

⁷Лопатин В.Н. Правовая охрана и защита права на банковскую тайну <http://emoney.ru/bibl/lopatin3.asp>



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада рецидив жиноятчиликнинг тушунчаси, моҳияти, жамият ва давлат манфаатларига нисбатан ижтимоий хавфлиги, унинг олдини олиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг йўналишлари қайд этиб ўтилган.
- ◆ В статье раскрывается понятие, сущность рецидивной преступности, общественная опасность по отношению к интересам общества и государства, ее предупреждение и направление мероприятий необходимых реализовать в данной сфере.
- ◆ The article states the concept, the essence of recidivism, public danger to the interests of society and the state, its prevention and measures necessary to implement the direction in this area.

Таянч сўзлар: рецидив, рецидивист, рецидив жиноятчилик, ижтимоий хавфлилик, криминологик чоралар.

Ключевые слова: рецидив, рецидивист, рецидивная преступность, общественная опасность, криминологические мероприятия.

Key words: relapse, repeat offender, recidivism, public danger, criminological events.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўли танланди. Мамлакатимиз ривожланиш дастурининг асосий хусусияти — бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ёнбарпо этиш, барча соҳаларда самарали ислохотларни амалга ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш, фуқароларимиз фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, жиноятларнинг содир этилишига асос бўлаётган омилларни йўқ қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. 90-йилларнинг бошларига келиб мамлакатимизда жиноятчилик даражаси, шу жумладан, рецидив жиноятчилик даражаси анча юқори эди ва бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мушкул вазифа эди. Жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бориш ўз тараққиёт йўлига эга бўлган бугунги Ўзбекистоннинг ривожланишида энг муҳим омил-

лардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий ҳолатга ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлида жиддий тўсиқ, балки, ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради¹”, деб жиноятчиликка баҳо берган.

Рецидив жиноятчилик умумий жиноятчиликнинг энг хавфли турларидан бири бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Статистик ҳисоботларга кўра, мамлакатимизда муқаддам судланганлар томонидан қайта содир этилган жиноятлар сони камаймоқда, лекин унинг жамият учун хавфлилик хусусияти камайган эмас. Бу турдаги жиноятларни содир этган шахслар, уларга нисбатан аввал ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилганлигига қарамадан яна қасддан жиноят содир этишга ҳаракат қилдилар ва ўзларининг жиноий фаолиятини давом эттиравердилар. Бошқача айтганда, улар жиноят-

чиликни ўзларига касб қилиб оладилар. Шу боисдан ҳам улар жамиятга, инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига, мавжуд ижтимоий тизимга, умуминсоний қадриятларга жиддий хавф туғдиради. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларга қарши кескин кураш олиб бориш масъулиятини юклайди.

Рецидив сўзи латинча “(recidivus - қайтарилаётган) йўқолиб бораётган ҳолатнинг қайтарилиши, такрорланиши”², деган маънони беради. Рус тилида эса рецидив сўзи “аввал мавжуд бўлган ҳодисанинг қайтарилиши”³, деган маънони англатади. Демак, рецидив тушунчасининг зарурий белгиси шахснинг жиноий фаолиятдан воз кечишга қаратилган чора-тадбирларнинг унга ҳеч қандай таъсир қилмаганлиги ва самара бермаганлигидан ҳамда бу жиноятчининг давлат томонидан унга нисбатан берилган инсонпарварлик имтиёзини менсимаганлигидан, ишончни оқламаганлигидан далолат беради.

Рецидив жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги шундаки, шахснинг олдинги содир қилган жиноий қилмишига қонунга асосан муайян чоралар кўрилганлигига қарамасдан, у ўзининг муаммоларини ҳал қилиш учун жамиятда ўрнатилган меъёрларга риоя қилишни хоҳламай, криминал вариантни танлаганлиги туфайли жиноят содир қилишга мойил бўлиб қолади.

Рецидив жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга ошириш ва унинг олдини олишдан кўзланган мақсадга эришиш учун муқаддам судланган шахслар тоифаси томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Муқаддам судланган шахслар томонидан жиноятларнинг такрор содир этилиши бундай шахсларда жамиятга зид йўналишдаги қарашларнинг мустаҳкамлигини кўрсатади. Аммо бу нарса жиноят содир қилаётган шахсларнинг тақдирига бефарқ бўлиш, уларга нисбатан гамхўрлик қилишнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ деган хулоса бермайди. Аксинча, қайта жиноят содир қилувчи бундай шахслар ўсган муҳит, уларни жиноят содир этишга олиб келган ҳолатлар, улар ўсган шарт-шароитларнинг натижасида бундай шахсларда юзага келган жамиятга зид йўналишдаги мавжуд омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Бу турдаги жиноятчиликнинг олдини олишда фақат жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан жавобгарликни кучайтириш орқали ижобий натижаларга эришиб бўлмайди, чунки жиноятнинг олдини олиш уни содир этгандан кейин жазолашдан афзал эканлиги барчага маълум. Бу ҳақда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган “Адолат — қонун устуворлигида” маърузасида жиноий жазоларни либераллаштириш, эркинлаштириш масалаларига алоҳида урғу бериб, шахсларни жазолашдан кўра, жиноятларнинг олдини олиш чорала-

рини кўриш лозимлигини қайд қилган⁴.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишдан кўзланган мақсадга фақат бу йўналишдаги криминалогик чораларнинг узлуксиз бажарилиши натижасида эришилади. Демак, суд томонидан жиноий жазо тайинланган шахсга нисбатан тарбиявий-профилактик чоралар нафақат унинг жазони ўташ жараёнида, балки жиноий жазони ўтаб, ўзининг яшаш жойига, меҳнат жамоасига қайтиб келганидан кейин ҳам давом эттирилади. Бундай жиноятчиликнинг олдини олишда жазони ижро этиш колониясидан маҳкумларни озод қилиш ҳамда уларни иш ва турар жой билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда давлат муассасалари ва жамаот бирлашмалари ҳам иштирок этадилар. Бу жараённинг эътиборли томони шундаки, унда жазони ўташ жойларидан озод этилаётган шахсларнинг ҳаётда мослашиб олишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва шу йўл орқали рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш мақсад қилиб қўйилади⁵.

Ҳозирги пайтда жазони ўташ жойларидан озод бўлаётган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш борасида уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда зарур чоралар кўриш жиноят-ижроия қонунчилигидан ташқари, ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказлари Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида тартиблаштирилган. Амалда жазони ўтаб қайтган шахсни иш ва турар жой билан таъминлаш масаласи ҳокимликлар, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ўз имконият доирасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Фикримизча, меъёрий ҳужжатларда шаҳар, туман ҳокимликлари, қишлоқ кенгашлари ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари ва меҳнат жамоаларида жазони ўташ жойларидан бўшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни ҳимоялаш мақсадида маълум даражада иш ўринларининг ажратилиши кўрсатиб ўтилиши шарт.

Рецидив жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда юқорида таъкидлаб ўтилган умумий криминалогик чоралар қаторида яқка тартибдаги криминалогик чораларни қўллаш ҳам самарали натижалар беради. Яқка тартибдаги криминалогик чораларнинг амалиётда кимлар тоифасига нисбатан, қачон ва қайси ҳолларда қўлланиши, бу чораларни ўтказувчи субъектлар (ота-она, мактаб, меҳнат жамоалари, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳ.к.) томонидан аниқ ва тўғри белгиланиши ҳам катта аҳамиятга эга⁶.

Жиноятларнинг олдини олишда яқка тартибдаги криминалогик чоралар ҳали жиноят содир этмаган шахсларга нисбатан уларнинг хулқ-атворида салбий хусусиятлар кучлилиги ва жиноят содир этишга мойиллиги сабабли фақат жиноятларнинг олдини олиш учун ўтказилса, рецидив жиноятларни содир

этувчи муқаддам судланган шахслар тоифаси билан уларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш ҳамда улар томонидан қайта жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида олиб борилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумлар билан олиб бориладиган якка тартибдаги тарбиявий-профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг шахси ўрганилади ҳамда шахсий хусусиятлари эътиборга олинади. Маҳкумларнинг шахсини ўрганишни қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин:

— маҳкумнинг шахсини батафсил ўрганиш;

— маҳкум билан якка тартибда тарбиявий-профилактик мазмундаги суҳбатлар ўтказиш;

— маҳкумнинг жазони ўташ жараёнидаги тартиб-қоидаларга, ишлаб чиқариш, мактаб ва ҳунар билим юртида маълумот олишга бўлган муносабати ва хулқ-атворини кузатиш;

— маҳкумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари билан суҳбат ўтказиб бориш;

— маҳкумнинг ёзишмаларини текшириш ва бошқалар.

Жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларни ички ишлар органлари ходимлари томонидан дастлабки профилактик суҳбатдан ўтказиш муқаддам судланган шахслар билан якка тартибда олиб бориладиган криминологик чораларнинг энг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Унинг шахсига оид маълумотларни, яъни судлангунга қадар алоқалари, маиший ва оилавий шароити, турар жойининг бор ёки йўқлиги, оиладаги вазият ва оила аъзоларининг унга муносабати, моддий таъминот, шунингдек жазони ўташ жойларида кўрсатган хулқ-атвори, тарбиявий ва ахлоқ тузатиш воситаларига бўлган муносабати, унинг тузалиш даражаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши шарт.

Бундай шахс томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда уларнинг бўш вақтларини қандай, қаерда ва кимлар билан ўтказиши билан боғлиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда якка тартибдаги профилактик чоралар олиб бориш зарур. Уларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмаслиги ёки бу масалага ички ишлар органлари ходимлари томонидан етарли даражада эътибор берилмаслиги уларнинг хулқ-атвори устидан олиб борилаётган назоратнинг кучсизланишига олиб келади. Назоратсиз қолган муқаддам судланган шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш тарзини юритувчи, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар тоифаси билан тез “тил топишга” ҳаракат қилишлари ёки вояга етмаганлар, ёшларни жинсий фаолиятга бошлашлари мумкин.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлашда ёрдам кўрсатишдан ташқари уларга паспорт олиши ва рўйхатга қайд қилдиришда ҳам ёрдам кўрсатадилар. Ўзбекистон Республикасида паспорт ти-

зими тўғрисидаги Низомнинг 33 ва 34-моддаларига мувофиқ “озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар уч кун муддат ичида - олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига қайд этиш органлари томонидан рўйхатга қўйилишлари шарт”⁷. Аммо амалиётда жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларнинг ўз вақтида яшаш жойларига рўйхатга қўйилмаслиги, бу ишни паспорт столи ва профилактика нозирлари пайсалга солиши оқибатида муқаддам судланган шахслар томонидан баъзи ҳолларда қайта жиноят содир этилиши ҳолати ҳам йўқ эмас.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш борасида якка тартибдаги криминологик чоралар, яъни жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларга маъмурий назорат ўрнатиш фаолияти муҳим роль ўйнайди. Муқаддам судланган шахслар тоифаси билан олиб бориладиган маъмурий назорат ўрнатиш тадбири ўзида комплекс профилактик чораларни мужассамлаштирган бўлиб, жазони ўташ жойларидан қайтган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муқаддам судланган шахслар тоифаси устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асоси суд қарори ҳисобланади. Муқаддам судланган шахслар тоифасига нисбатан маъмурий назорат улар жинсий жазони ўташдан озод бўлишига камида бир ой қолганда, унинг ахлоқан тузалиш йўлига кирмаганлиги, ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришни асло истамаганлиги ҳақида далолат берувчи материаллар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан судга тақдим этилганда ёки жазони ўташ жойларидан бўшаб келган шахс ўзининг яшаш жойида жамиятга зид турмуш тарзини юритаётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида ҳудудий ички ишлар идораси бошлиғининг судга киритган тақдимномасига кўра ўрнатилади. Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такрор жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантиришдан иборатдир⁸.

Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий назоратни амалга ошириш давомида назорат остига олинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган чеклашларни белгилашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишлари, қўлланилаётган чеклашлар мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини, ижобий ёки салбий таъсир этишини қатъий ҳисобга олишлари лозим. Маъмурий назорат остига олинаётган шахсларнинг турмуш тарзи, оилавий аҳволи, аввалги судланганлиги ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлар ички ишлар идоралари ходимларининг

этиборида бўлиши лозим. Чунки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан белгилаб қўйилган баъзи бир чеклашларнинг ноўрин қўлланилиши уларнинг оила аъзолари билан муносабатларига салбий таъсир этиши мумкин. Қонунда белгиланган чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас. Маъмурий назорат остида бўлган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чеклашларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши яқка тартибда олиб бориладиган криминологик чораларнинг самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олади.

характера связи с предметом судебной защиты и от тех предусмотренных законом задач, для достижения которых то или иное лицо, участвующее в деле, принимает участие в гражданском процессе.

Лицо, которое участвует в деле, при наличии юридической заинтересованности в исходе дела, соответственно имеет в силу этого и определенный процессуальный интерес к судопроизводству. Лица, содействующие осуществлению правосудия, по своей сути не должны иметь какой либо заинтересованности в исходе дела, этим они и отличаются от других участников процесса.

Развитие гражданского процесса как судебной формы разрешения споров требует исследования правового статуса каждого из лиц, отнесенных законом к лицам, содействующим осуществлению правосудия. Выявление характер-

ных признаков прав и обязанностей указанных лиц позволит определить место каждого такого лица среди других участников процесса с точки зрения обеспечения эффективного разрешения судебных дел, с одной стороны, и предоставления достаточных гарантий прав таких лиц, с другой стороны.

Из вышеуказанного можно сделать вывод, что лица, содействующие осуществлению правосудия, являясь участниками процесса, не должны иметь юридическую заинтересованность в исходе дела. Вместе с тем, они играют особую роль в разрешении спорного гражданского дела. Какую функцию они не осуществляли в процессе (перевод, дача свидетельских показаний, проведение экспертизы и т.д.), вся их деятельность направлена на содействие правильному и своевременному разрешению дел в рамках гражданского процессуального права.



¹ Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДҶОИ, 2010. 84-б.
² Завадская Л.Н. Гражданский процесс в схемах с комментариями/ 3-е издание. - М.: Эксмо, 2016. стр. 28-29.
³ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. стр. 100.

Мардонбек БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
етақчи илмий ходими

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕПО БИТИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

- ✦ Мақолада репо битимининг моҳияти ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши таҳлил этилган.
- ✦ В статье анализируется сущность сделки репо, а также развитие данного института в Узбекистане.
- ✦ In article analysed essence of repotransactions and development of the this institute in the financial market of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: фонд бозори, қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар бозори, репо битими.

Ключовые слова: фондовый рынок, ценные бумаги, рынок ценных бумаг, сделка репо.

Key words: stock market, securities, market securities, repo transactions.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашуви жараёнида фонд бозорлари ва ундаги қимматли қоғозлар муомаласининг аҳамияти ўз-ўзидан ошиб боради. Фонд бозорларининг амал қилишини таъминловчи асосий таркибий элементлардан бири бўлган қимматли қоғозлар орқали инвестицияларни жалб қилиш механизми ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўзини тўлиқ оқлади. Шу боисдан жаҳон фонд бозорларига интеграциялашувни кучайтириш ва бу борада рақобатни кучайтириб, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мамлакат олдида турган асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришда қимматли қоғозлар бозорининг муваффақиятли фаолиятини таъминлашга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралаётганлиги сабабли истиқлол йилларида Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга, унда шартнома муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасига назар ташласак, қимматли қоғозлар бозори узоқ йиллар давомида стихияли равишда юзага келган. Шундан кейин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунлар қабул

қилинган. Ўзбекистонда эса, миллий қимматли қоғозлар бозори билан биргаликда унинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар параллел равишда такомиллаштириб берилмоқда.

1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонунда мамлакатда қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари — акциялар, облигациялар, газна мажбуриятлари, депозит сертификатлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва векселларни муомалага чиқариш, фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчиларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши, қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари каби масалалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда босиб ўтилган йиллар давомида орттирилган миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил этилиб, эгалланган малакалар ёрдамида, мавжуд камчиликларни бартараф қилган ҳолда, 1993-2001 йилларда қабул қилинган тўртта йирик — “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозорини депозитарийлар фаолияти тўғрисида”ги ва “Қимматли

қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар такомиллаштирилиб, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда 2008 йилда ягона “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Давр талабидан келиб чиқиб, кейинчалик ушбу қонун 2015 йилда янги таҳрирда тасдиқланди.

Бозор муносабатлари иштирокчиларининг таваккалчиликни камайтиришга ва ўзларининг фойда кўрсаткичларини оширишга бўлган уринишлари ҳамда аксарият бозор иқтисодиётининг бир қатор объектив омиллари репо¹ битими каби янги воситаларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Айнан объектив ривожланишнинг маҳсули бўлмиш фонд биржаларида репо битимлари шаклланиб, маълум бир қоидалар асосида ривожлана бошлади. Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига асосланган барча давлатларда қимматли қоғозлар бозори биржавий характер касб этади.

Репо битимининг пайдо бўлишига сабаб кредитлашнинг муқобил шаклига бўлган эҳтиёж ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз активлари ликвидлик даражасини бошқаришга бўлган заруратдир. Кейинчалик битим бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида, айниқса, тижорат банклари орасида кенг тузила бошланди ва унинг қўлланиш доираси кенгайиб борди. Битимнинг ривожланиши жараёнида ундан хусусий секторда капитални тақсимлаш ва давлатнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланганлар. Битим бутун дунёда ундан пул-кредит сиёсатининг ажралмас қисми сифатида фойдаланувчи давлатларнинг марказий банклари ва молия бозорининг ҳамма жабҳаларида ўзларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширмақчи бўлган хусусий молиявий институтлар учун молия бозорларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда битимнинг базавий вазифаси банк тизимининг ликвидлигини бошқариш ҳисобланса, молия институтлари учун ўз активларининг ликвидлик даражасини бошқариш ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг энг асосий вазифаси ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга оширишдан иборат бўлганлиги сабабли, уларнинг ўз ликвидлик даражасини барқарор ушлаб туриш улар учун жуда муҳим ҳисобланади. Репо битими ёрдамида бу масалани қисман ҳал қилса бўлади (қисман дейилишига сабаб, ликвидликни бошқа воситалар билан ҳам бошқариш мумкин).

Ҳозирги кунда кредитлаш ва инвестиция киритишнинг аъъанавий усуллари бўлишига қара-

масдан, репо битими жаҳон молия бозорларида жадаллик билан ривожланмоқда ва ягона молия ҳудудининг яратилишига хизмат қилмоқда. Айрим олимларнинг фикрича, “...қимматли қоғозлар инвестиция киритилганлигидан далолат берувчи ҳужжат сифатида қаралади”². Бунинг давоми сифатида репо битими воситасида мавжуд қимматли қоғозлар воситасида иккиламчи инвестиция киритишни ёки кредитлашни амалга ошириш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорида фаолият олиб борувчи мутахассисларнинг фикрича, “репо бозори савдо ва бозорни ташкиллаштириш стратегиясини қўллашнинг калити ҳисобланади”³ ва “битим молия бозорларида капиталнинг самарали тақсимланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди”⁴. Ўз вақтида рус олими Г.Ф.Шершеневич репо битимини “биржа операцияларига калит”⁵ деб таъриф берганди.

Репо битими юридик жиҳатдан мураккаб конструкцияга эга бўлиб, ундан фойдаланиш бир қатор устунлик жиҳатларига эга. Хусусан, мазкур молиявий ва ҳуқуқий восита капитални самарали тақсимлаш, кредит таваккалчилигининг олдини олиш, жаҳон фонд бозорларига эркин чиқиш, қимматли қоғозлар воситасида инвестицияларни жалб қилиш каби бир қатор муҳим мақсадларга эришишга хизмат қилади. Мазкур битимнинг яна бир эътиборли жиҳати кредит муносабатларини тартибга солиш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилаётганидир. Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг фонд биржаларида (хусусан, Ўзбекистонда ҳам) репо битими тузиш мақсадида махсус майдонлар (секциялар) ташкил этилган.

Мамлакатимизда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 22 августда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат қисқа муддатли облигациялари билан репо битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги муваққат Низом (рўйхат рақами 502, 16.10.1998 й.) очиқ бозорда операциялар ўтказиш ва тижорат банкларини қайта молиялаштиришнинг янги ички бозор механизми ҳисобланган репо бозори учун ҳуқуқий асос яратди⁶.

1998 йил январь ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки иккиламчи бозорда давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш ва сотиш операцияларини ўтказиш бошлади. Бундай операцияларнинг асосий мақсади бозорнинг барқарорлигини ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда бозордан жорий фоиз ставкаларини тартибга солишдан иборат

эди.

Юқорида таъкидланган низомга асосан қуйидагилар белгилаб қўйилган:

репо битими деганда, облигацияларни қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди битими тушунилади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

— банк томонидан облигацияларни Марказий банкка келишувда белгиланган муддат ва нархларда сотиш тўғрисида тузилган битим (битимнинг биринчи қисми);

— банк томонидан Марказий банкдан муддати ва нархлари келишувда белгиланган худди шу чиқарилишга тегишли ва ўша миқдордаги облигацияларни қайта сотиб олишга доир битим (битимнинг иккинчи қисми).

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини, хусусан, репо битими бозорини янада ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, шунингдек ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Иқтисодий кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан пул массасини бозор принципларига мувофиқ ресурсларни кредит аукционлари орқали харид қилиш ва сотиш йўли билан бошқариш, шунингдек юқори ликвидли қимматли қоғозларни харид қилиш (репо операциялари) йўли билан кредит бериш механизмини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг 2003 йил 15 декабрдаги “2004 йил макроиқтисодий кўрсаткичларининг асосий параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан фойдаланиш асосида пул массасини унга бўлган талабнинг ўзгаришларини теккислаш мақсадида репо операцияларидан фойдаланиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам банкларнинг ликвидлилигини репо операцияларини кенгайтириш орқали қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда репо битимига кредит бериш, пул массасини бошқариш, банкларнинг ликвидлилигини бошқариш воситалари сифатида қаралган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белги-

ланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида репо муносабатларини бевосита тартибга солувчи бир қатор қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Хусусан, 2004 йил 6 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда репо битими объекти бўлмиш қимматли қоғозлар доираси кенгайди, яъни битим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар воситасида ҳам тузиладиган бўлди. Мазкур низом қабул қилингунига қадар репо битимлари фақат давлат қимматли қоғозлари воситасида тузиларди. Низомнинг қабул қилиниши мазкур битимнинг фонд биржаларида юридик ва жисмоний шахслар орасида кенг тарқалишига ҳуқуқий замин яратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда корпоратив қимматли қоғозлар билан репо операциялари олиб борилиш динамикаси ўсиш тенденциясига эга.

Шу ўринда мазкур ўсиш тенденциясига таъсир этиши мумкин бўлган репо битимига хос бўлган қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ◆ бўш турган молиявий воситаларни мобилизация қилади;
- ◆ капиталларни самарасиз тармоқлардан самарали тармоқларга ўтишини таъминлайди;
- ◆ бюджет дефицитини ёпиш мақсадида пул воситаларини жалб қилади;
- ◆ анъанавий кредит олиш усулларида соддалиги ва фоиз ставкаларининг пастлиги билан тубдан фарқ қилади;
- ◆ битимда иштирок этувчи тарафнинг, аynиқса, қимматли қоғозларни сотувчининг кредит тарихи мавжуд эмаслигининг аҳамияти йўқ;
- ◆ битим муддати давомида қимматли қоғозларни сотиб олувчига уларни сотиш ёки улардан бошқача усулда фойдаланиш имконини яратади;

Шу ўринда Ўзбекистонда репо битими тузишда иштирок этувчи субъектлар дорасига эътибор қаратсак. 2011 йилда репо битими ташаббускорлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган, яъни уларнинг биринчи босқич битимлардаги улуши 99,4 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, мазкур битимларнинг тузилишида хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан ҳам катта қизиқишлар билдирилгани кузатилган.

2015 йил давомида амалга оширилган битимларда репо акцептанти сифатида банклар

улуши — 69,8 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари — 27 фоизни ҳамда бошқа юридик шахслар улуши — 3,2 фоизни ташкил қилди⁷.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу битимнинг кенг қўлланилишига эришиш мақсадида қатор чораларни ишлаб чиқиш ва уларни қонунчиликда акс эттириш лозим. Хусусан, репо битимини оммалаштириш мақсадида умумий маълумотлар базасини шакллантириш зарур. Бу ҳол ушбу битимдан фойдаланувчиларга кўшимча имкониятлар яратади. Шу маънода:

— тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари ва қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини қонуний тартибга солишнинг Концепциясини яратиш ва мазкур концепцияда маблағларни қимматли қоғозларга инвест

тициялаш, қимматли қоғозларни гаровга олиш ҳисобига кредитлаш, қимматли қоғозлар билан репо операцияларини амалга ошириш, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун кредит бериш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар базасини мустаҳкамлаш;

— аҳолига тўғридан-тўғри репо битим тузишда иштирок этиш масаласини қонуний тартибга солиш;

— молия хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

— акциядорлик жамиятларининг таъсис ҳужжатларида репо битими тузилганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳолатларни белгилаш лозимлиги тўғрисидаги нормаларни қонунчиликда акс эттириш.



¹ “Repo” (repo) атамаси инглиз тилидаги “repurchase agreement” сўзидан олинган бўлиб, “қайта сотиб олиш тўғрисида келишув” деган маънони билдиради. Баъзи адабиётларда “repo” атамаси “sale and repurchase agreement”(сотиш ва қайта сотиб олиш) атамаларидан келиб чиққанлиги келтирилган. Баъзи муаллифлар “repossession” (эгалликни тиклаш) сўзидан олинган деб таъкидлайдилар.

²Раҳманкулов Х., Гулямов С.С. Корпоративное право. –Тошкент: ТГЮИ, 2004. –С.191.

³ Stefano Bellani, Primary dealership and the repo market in Europe: a market maker point of view, кЕСК global forum on Government Securities Markets and Public Debt Management Rome, 27th November 2003— P.1. <http://www.oecd.org>.

⁴Michael J. Fleming and Kenneth K. Garbade The Repurchase Agreement Refined: GCF Repo, Current Issues Volume 9, Number 6 June 2003 Federal Reserve Bank of New York— P.1.<http://app.ny.frb.org>.

⁵Шершеневич Г.Ф. Курс торгового права. Т.II: Товар. Торговые сделки (по изд. 1908 г.). –М., Статут, 2003. –С.490.

⁶ Мазкур Муваққат низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сон “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1829, 18.06.2008 й.) билан ўз кучини йўқотган.

⁷www.uzse.uz

Нозима ЗАХИДОВА,
адвокат коллегии адвокатов «S.Yakubov va advokatlar»

ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ ПРОКУРОРА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ

- ◆ Мақола фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, тарафлар тушунчаси, фуқаролик судида прокурор томонидан даъво кўзғатиш асосларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена рассмотрению вопроса о понятии сторон, возбуждении со стороны прокурора иска в гражданском суде, особенности его участия в гражданском процессе.
- ◆ The article is devoted to the importance of the prosecutor's participation in civil proceedings, the concept of the parties, basics of initiating the civil case by the prosecutor.

Таянч сўзлар: фуқаролик процессида тарафлар, даъвогар, жавобгар, процессуал даъвогарлар, фуқаролик ишни кўзғатиш, прокурор, фуқаролик суди.

Ключевые слова: стороны в гражданском процессе, истец, ответчик, процессуальные истцы, возбуждение гражданского дела, прокурор, гражданский суд.

Key words: parties of civil procedural, the claimer, defendant, procedural claimers, initiating of the civil case, the prosecutor, the civil court.

Деятельность судов Республики Узбекистан осуществляется на основании закона Республики Узбекистан «О судах» (новая редакция), статья 1 которого определяет судебную систему как систему, в число которой входят и суды по гражданским делам.

Однако процессуальная деятельность судов по рассмотрению и разрешению гражданских дел регламентируется ГПК Республики Узбекистан, согласно статье 4 которого «Задачами гражданского судопроизводства являются правильное своевременное рассмотрение и разрешение гражданских дел в целях защиты личных, политических, экономических и социальных прав, свобод и интересов граждан, а также прав и охраняемых законом интересов предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений и органов самоуправления граждан»¹.

Стороны — это основные субъекты гражданского процессуального правоотношения, без которых невозможен сам гражданский процесс, невозможна судебная деятельность по рассмотрению гражданского дела. Стороны, как субъекты материальных правоотношений или потенциальных материальных правоотношений определяют предмет судебной деятельности.

Согласно статье 5 ГПК Республики Узбекистан гражданское дело может быть возбуждено по заявлению: 1) лица, обращающегося за защи-

той своего права или охраняемого законом интереса; 2) прокурора; 3) органов государственного управления, организаций и отдельных граждан в случаях, когда по закону они вправе обращаться в суд за защитой прав и охраняемых законом интересов других лиц. Данная статья находит свое дальнейшее развитие и конкретизацию в других нормах ГПК, в частности, в статьях 33, 34, 39 ГПК Республики Узбекистан, которые регламентируют процессуальное правовое положение этих лиц в гражданском судопроизводстве. В статье 39 ГПК определяется, кто является сторонами в гражданском процессе — это истец и ответчик, которыми могут быть граждане и организации вне зависимости от форм собственности.

Стороны — это лица, сами защищающие свои оспоренные или нарушенные субъективные материальные права и охраняемые законом интересы.

Но их права и интересы могут защищать и другие лица в порядке, предусмотренном законом. Однако, другие лица, которым предоставлено право возбуждать гражданское дело или участвовать в возбужденном деле (например, добровольные представители) в защиту чужих нарушенных прав или охраняемых законом интересов, не пользуются указанными процессуальными правами в отношении предмета спора, ибо

они не являются субъектами спорного материального правоотношения и на них не будет распространяться законная сила судебного решения.

Возбуждение гражданского дела прокурором путем подачи заявления, как и вступление его в дело на любой стадии процесса, обусловлено защитой государственных, общественных интересов или прав граждан и организаций.

Правовое положение прокурора в гражданском процессе, независимо от того, возбуждает ли он судебную деятельность или вступает в дело, обусловлено не субъективной заинтересованностью, свойственной сторонам (защитой своих прав и охраняемых законом интересов), а заинтересованностью прокурора в выполнении функций, возложенных на него Законом Республики Узбекистан «О прокуратуре», чтобы судом выполнялись требования закона о всестороннем, полном, объективном и своевременном разбирательстве дела, вынесения по делу законного, обоснованного и справедливого решения или определения, при строгом соблюдении принципа независимости судей и подчинения их только закону. Своеобразие этой функции заключается в том, что прокуратура не осуществляет надзора за судебной деятельностью и, не покушаясь на самостоятельность, независимость, объективность судебной власти, обращается к ней как к инструменту защиты прав и интересов тех лиц, которые, по мнению прокуратуры, в этом нуждаются. Так, в ч. 4 ст. 35 Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре» указывается, что «Прокурор, пользуясь равными с другими участниками судебного процесса правами, обязан строго соблюдать принцип независимости судей, подчинения их только закону, своей деятельностью способствовать осуществлению правосудия».

Таким образом, цель возбуждения одна — защита нарушенных прав и законных интересов. Форма же участия разных лиц многообразна. Стороны возбуждают гражданское дело и участвуют в нем сами для защиты своих субъективных прав и законных интересов, а другие — прокурор, орган опеки и попечительства, государственные учреждения и отдельные граждане возбуждают гражданское дело и участвуют в нем для защиты прав и охраняемых законом интересов других лиц.

При возбуждении гражданского дела прокурором в интересах истца указываются и определяются нарушенные или оспариваемые материальные права, и тем самым спорное материальное правоотношение становится предметом судебной деятельности. Таких субъектов, которые обращаются в суд за защитой нарушенных или оспариваемых прав и законных интересов истца, следует понимать и рассматривать как процессуальных истцов или стороны в процессуаль-

ном смысле². Рассматривать их как процессуальных истцов следует потому, что на них не распространяется законная сила судебного решения³.

Безусловно, при возбуждении гражданского дела прокурором он первым по времени вступает в гражданские процессуальные правоотношения с судом, первым определяет предмет судебной деятельности и первым вовлекает посредством суда других субъектов как лиц, участвующих в деле, так и лиц, содействующих осуществлению правосудия, а для субъектов спорного материального правоотношения создаёт процессуально-правовое положение истца и ответчика, сам не будучи истцом даже в процессуальном понимании.

Прокурор как субъект гражданского процессуального правоотношения характеризуется наличием у него определенных, точно установленных нормами гражданского процессуального права субъективных процессуальных прав и обязанностей, реализация которых происходит только в судебной деятельности, начиная с момента подачи искового заявления и кончая прений сторон.

Прокурор является стороной только в процессуальном смысле, поэтому сила судебного решения на него не распространяется, он не несет и судебных расходов. Эта точка зрения находила свою поддержку у отдельных процессуалистов. Так, профессор Д.М.Чечот по данному вопросу указывал, что: «Лица, возбуждающие дело, в защиту прав и интересов других лиц в тех случаях, когда это прямо разрешено законом, называются процессуальными истцами. Этот термин означает, что, во-первых, эти лица имеют в деле лишь процессуальный интерес, а, во-вторых, их участие в деле может иметь место лишь на истцовой стороне. Таким образом, наряду с процессуальным истцом в процессе должен быть привлечен истец, материальные права которого должен защитить суд».

Безусловно, прокурор, возбуждая гражданское дело, в какой-то степени «играет роль и выполняет функции истца», но истцом в том понимании, как это регламентировано в статье 39 ГПК Республики Узбекистан, он не является. Прокурор не становится в подобных случаях истцом в материально правовом смысле. В его пользу не присуждается ничего и с него ничего нельзя взыскать.

Участие прокурора в гражданском процессе возможно на любой стадии: от возбуждения дела в суде до исполнения решения суда. В то же время формы участия прокурора в гражданском процессе, объем его прав и обязанностей, содержание процессуальных действий различны в зависимости от того, в какой стадии процесса

он принимает участие.

В стадии подачи заявления прокурор выступает в качестве инициатора возникновения процессуальных отношений. В ходе судебного разбирательства прокурор, обратившийся в суд с заявлением, не наделен правом давать заключение ни по существу рассматриваемого дела, ни по отдельным вопросам, которые могут возникнуть в судебном заседании⁴. Согласно статье 47 ГПК Республики Узбекистан прокурор даёт суду объяснения по поводу заявленных им требований в защиту прав и интересов других лиц. При этом форма и содержание поданного им заявления должны соответствовать требованиям статьи 149 ГПК. Хотелось бы отметить то, что в заявлении прокурора должна содержаться ссылка на закон или иной нормативный акт, предусматривающий способы защиты этих интересов.

Статья 26 Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре» регламентирует, что «В случае нарушения прав и свобод гражданина, защищаемых в судебном порядке, когда гражданин по состоянию здоровья, возрасту или иным причинам не может лично отстаивать в суде свои права и свободы, прокурор предъявляет и поддерживает иск в суде».

В то же время гражданское процессуальное законодательство предусматривает и другую форму участия прокурора в гражданском процессе, а именно вступление в процесс, уже начатый по инициативе других лиц. В отличие от первой формы она носит для прокурора обязательный характер, если закон предусматривает его участие в гражданском деле.

Например, прокурор вступает в процесс и излагает свое мнение по делам о выселении, о восстановлении на работе, о возмещении вреда, причиненного жизни и здоровью, об усыновлении, о лишении родительских прав, а также в иных случаях, предусмотренных законами, в целях осуществления возложенных на него полномочий.

Вступив в процесс рассмотрения и разрешения судом конкретного дела, в котором он обязан участвовать в силу закона, прокурор как лицо, участвующее в деле, вправе знакомиться с материалами дела, заявлять отводы, представлять

доказательства, участвовать в их исследовании, заявлять ходатайства. К особым процессуальным действиям, на совершение которых уполномочен прокурор, вступивший в уже начатый другими лицами процесс, относится изложение его мнения как по отдельным вопросам, возникающим во время разбирательства дела, так и по существу рассматриваемого дела в целом. Так, на основании статьи 198 ГПК Республики Узбекистан «Прокурор, а также уполномоченные органы государственного управления, организаций или отдельные граждане, обратившиеся в суд за защитой прав и охраняемых законом интересов других лиц, выступают в судебных прениях первыми». Также, согласно статье 199 ГПК Республики Узбекистан «Прокурор, участвующий в деле, излагает мнение по существу дела, кроме дел, возбужденных по его заявлению в защиту прав и охраняемых интересов других лиц». Исходя из этих норм, прокурор излагает свое мнение только по гражданским делам, в которые он вступает. По гражданским делам, которые возбуждены по иску прокурора, изложение его мнения не требуется, так как думается, что его позиция по возбужденному им гражданскому делу и его мнение уже нашли свое отражение в исковом заявлении и в объяснении согласно статье 181 ГПК Республики Узбекистан.

Нельзя никогда забывать, что процесс есть только форма жизни закона. Нормы гражданского процессуального закона могут реализовываться только в гражданском судопроизводстве, где каждый субъект занимает свое определенное процессуальное правовое положение.

Безусловно, деятельность органов прокуратуры направлена на всемерное утверждение верховенства закона, укрепление правопорядка, обеспечение защиты от неправомерных посягательств на социальные, экономические, политические, личные права и свободу человека и гражданина, а также на государственную независимость, общественно-государственное устройство, политическую и экономическую систему, права национальных групп и территориальных образований, закрепленных Конституцией Республики Узбекистан⁵.

¹В дальнейшем — организаций.

²С.А.Якубов. Стороны в гражданском процессе. Ташкент. 2006г. стр. 19

³С.А.Якубов. Стороны в гражданском процессе. Ташкент. 2006г. стр. 19

⁴М.К.Треушников. Гражданский процесс. 2-е изд. М: Городец. 2007г. стр. 49

⁵Статья 2 Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре».



Нодиржон ХАЙРИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим-изланувчиси, ю.ф.н.

ҚАДИМГИ МИСР ВА БОБИЛ ДАВЛАТЛАРИДА ЖИНОЯТ-СУДЛОВ ЮРИТУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Ушбу мақолада Қадимги Миср ва Бобил давлатларида жиноят-судлов юритувининг ташкил этилиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари процессуал ҳуқуқ манбаларини, шу жумладан, Хаммурапи қонунларини бевосита таҳлил этиш асосида ўрганилган.

◆ В настоящей статье на основе непосредственного анализа процессуальных правовых источников, в том числе законов Хаммурапи, изучены исторические стадии организации и развития уголовного судопроизводства в государствах Древнего Египта и Вавилона.

◆ In this article author had searched the historical stages of the organization and evolution of the criminal proceeding in the Ancient Egypt, Babylonia states by direct analyze of the procession legal sources, as well as the Hammurabi laws.

Таянч сўзлар: Қадимги Миср, Бобил, Хаммурапи қонунлари, суд тизими, жиноят-судлов юритуви, суд жараёни, исботлаш, айблов, тортишув.

Ключевые слова: Древний Египет, Вавилон, законы Хаммурапи, судебная система, уголовное судопроизводство, судебный процесс, доказывание, обвинение, состязательность.

Key words: the Ancient Egypt, Babylonia, the Hammurabi laws, the judicial system, the criminal proceeding, the criminal court, proving, accusing, competition.

Жиноят-судлов юритувининг ривожланиш хусусиятларига энг аввало ундаги муносабатларнинг вужудга келиши ва тугатилишига оид институциявий соҳаларда рўй берган ўзгаришларни киритиш мумкин. Зеро, жиноят-судловини юритиш тарихида юз берган энг муҳим ўзгаришлардан бири — бу унинг хусусий бошловдан оммавий бошловга қараб ривожланиши билан боғлиқ эди. Бунга албатта ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти таъсир кўрсатганди. Айнан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқ функциясининг тизимли хусусиятга эга бўлиб бориши — ишларни жиноят судида юритишда оммавий тамойилларнинг кучайишига, ушбу муносабатда қатнашувчи процессуал функцияларнинг институциявий шаклланишига туртки берган асосий омиллардан эди.

Шундай қилиб, инсонлар цивилизациясининг бешиги деб ҳисобланадиган Мисрда суд фаолиятини бевосита Фиравннинг вазири (жати) амалга оширадди. Аслида вазир-жати Фиравн Ҳузуридаги давлат аппаратида раҳбарлик қилиб, унинг ваколатлари Фиравн томонидан белгиланар, у асосан пойтахт ободончилиги, мамлакатдаги жамоат тар-

тибини сақлаш ҳамда сарой тартиб-қоидаларига амал қилиниши устидан назоратни амалга оширад эди². Аммо суд фаолиятини юритиш вазир-жатининг муҳим давлат вазифаларидан бири саналарди. Вазир-жати мамлакатдаги “буюк олти хонадон” деб номланувчи Олий суд инстанциясига раҳбарлик қилиш билан бирга, судларни тузиш ва судьяларни вазифаларига тайинлаш билан ҳам шуғулланарди³.

Миср давлатининг ҳуқуқи ҳамда суд фаолиятини тартибга солувчи ёзма ҳуқуқий манбалар бизнинг давримизгача етиб келмаган⁴, лекин буни Миср эҳромларидаги суратлар, бизгача етиб келган кам сонли Фиравн томонидан қабул қилинган Фармонлар, декретлар ва бошқа тизимли тартибга эга бўлмаган ёзма манбалар орқали англашимиз мумкин.

Мана шу манбалардан Мисрда барча ҳуқуқбузарликлар (Мисрда суд ишлари жиноий ва фуқаролик юритувларига аниқ бўлинмаган эди) белгиланган судларда ва Фиравн томонидан “камгап, юқори ахлоққа эга ва қонунга бўйсунувчи” шахслар ичидан танлаб олинган судьялар томонидан ҳал қилиниши керак эди⁵.

А.А.Ивановнинг ёзишича, Миср давлати тарихининг турли даврларида суд фаолияти асосан қуйидаги тузилишга эга бўлган: бош умумдавлат суд ташкилоти (ўттизлик хонадони); олий жиноят суди (олтилик “буюк хонадони”); вилоят судлари; махсус ҳарбий судлар. Шу билан бирга, кохинлар ҳайъати ҳам жуда кўплаб масалаларда суд фаолиятини амалга оширар эди⁶.

Мисрда ишларни судда юритиш доимо айблов хусусиятига эга бўлган ва бу жараён уч босқичга бўлинган. *Биринчи босқич*, судга мурожаат этиш босқичи ҳисобланиб, бу шахснинг жиноий қилмиш туфайли ҳуқуқларига зиён етган шахснинг суд фаолиятини амалга оширувчи шахсга мурожаат қилинишини ўз ичига оларди. Жабрланувчининг айблов ҳақидаги мурожаати қатъий равишда суд идорасида юритиладиган китобга рўйхатга олиниб, уни кўриб чиқиш муддати ва вақти ана шу рўйхатга олинган мурожаатларнинг навбатига қараб амалга ошилар эди. Айблов ҳақидаги мурожаат асосан рўйхатга олинган куннинг ўзида кўриб чиқиларди⁷.

Эрамиздан олдинги XVI-XV асрларда Вазир-жатининг хизмат ваколатларини тартибга солган Фармойишнинг мазмунига кўра, суд муҳокамаси ҳайъатда муҳокама қилинган. Муҳокамада вазир билан бирга, унинг қабулхонаси раҳбари, котиб ва бошқа амалдорлар иштирок этганлар.

*Иккинчи босқич*ни ташкил қилувчи ишнинг муҳокамаси — даъвогарнинг даъвосини эшитиш билан бошланиб, сўнгра жавобгарнинг баёни ҳамда икки тарафдан таклиф қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари эшитиларди. Гувоҳлар, шунингдек ёзма ҳужжатлар ҳамда бевосита ашёвий далиллар ишни ҳал қилишда энг муҳим асослар ҳисобланган.

Ишни ҳал қилишнинг *учинчи* ва муҳим босқичи — бу суд қарорини қабул қилиш бўлган. Суд қарорида мурожаатнинг асослиги ёки асоссизлиги, ҳукм устидан шикоят қилиш асослари ҳамда уни ижро этиш усуллари кўрсатилган⁸.

Шундай қилиб, Миср жиноят-судлов юритувидаги мана шу босқичлар ишни узлуксиз муҳокама қилиш вақтида ва жараёнида амалга ошириб келинган. Кўпгина ишларнинг муҳокамаси бир кунда бошланиб, ўша куни якунланган. Ишни кейинга қолдириш учун фақат ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим ҳисобланган гувоҳ ёки ашёвий далилларни аниқлаш зарурияти сабаб бўлган⁹.

Қадимги Шарқда юксак ижтимоий-маданий, сиёсий ва иқтисодий юксакликка эришган цивилизациялардан яна бири Бобил империяси бўлиб, ушбу мамлакат судлов ҳуқуқининг ривожланиш тарихини кўриб чиқишга асос бўлган уч омилни келтириб ўтиш мумкин. Биринчиси, шаҳар-мамлакатдан ташкил топган Бобил империяси эрамиздан аввалги XIX асрда Месопотамия ўлкасини ҳамда Шом (бугунги Сурия) ҳудудларини эгаллаган йирик мустақил давлатга айланганди; иккинчидан, мазкур империя уч юз йилдан ортиқ вақт мобайнида икки дарё орали-

ғида ҳукмронлик қилиб келди ва учинчидан, энг муҳими Бобил империясининг тарихий ҳуқуқий манбаи бўлган Хамураппи қонунлари бизнинг кунгача етиб келган ва унинг барча жиҳатлари ўрганиб чиқилган. Шу боис, Бобил империяси мисолида жамият, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида анча ишончли фикрларни илгари суриш мумкин.

Кўп асрлар давомида Бобил империясида одат ҳуқуқи амал қилиб келди. Шу сабабли эрамиздан олдинги XVIII асрда Бобилда Подшоҳ Хаммурапи томонидан ишлаб чиқилган қонунлар ўша давлатнинг ижтимоий турмушига хос бўлган одатларга асосланган эди. Шунингдек, қонунларнинг муҳим манбаини суд қарорлари ташкил қилганди¹⁰.

Подшоҳ Хаммурапи қонунлари жами 282-моддан иборат бўлиб, унинг 1-15-моддалари айнан судлов юритувини амалга ошириш тартибларига бағишланган эди. Бу ҳолат Бобилда судда ишларни юритиш ҳуқуқи жиддий ўринга эга эканлигини кўрсатади. Хаммурапи қонунларининг суд юритувида оид қисмида (ушбу қонуннинг 1-5-моддалари) суд ишларини ноҳолис амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланиб, унда Подшоҳ Хаммурапининг шундай сўзлари битилган эди: “...кучли кучсизни таҳқирламаслиги, етим ва бевага адолатли муносабатда бўлиш учун Бобилда, Ану ва Энлилни юксакларга кўтарган шаҳарда, Э-Сагил эҳромида қатъий равишда, ер ва осмон каби мамлакатда суд одил равишда ўз вазифасини амалга ошириши, мамлакатда ҳукмлар одил қабул қилиниши, камситилганга адолат қилиниши учун, мен ўзимнинг қимматли сўзларимни менинг ёдгорлик тошимга ва менинг тасвирига адолатли Подшоҳ сифатида битик қилдим”¹¹.

Подшоҳ Хаммурапи қонунларининг тизими қуйидагилардан иборат: суд асослари (1-15-мм.); фуқаролик ҳуқуқи (16-126-мм.); оила ва мерос масалалари (127-195-мм.); шахсга қарши жиноятлар (196-214-мм.); мулк жиноятларга ва шартномалар (215-282-мм.).

Айнан мана шундай мафкура Бобил жамияти аъзоларида суд фақат подшоҳ ихтиёри билан, шунинг учун адолатли амалга оширилиши тўғрисидаги тасаввурни шакллантирган эди. Суд тизимининг энг юқорисида Подшоҳнинг ўзи турар, у асосан қуйи судларнинг қарорлари юзасидан апелляция инстанцияси вазифасини амалга оширарди¹². Суд муҳокамаси ҳам бу лавозимга подшоҳ алоҳида тайинлаган мансабдор шахслар томонидан қонунда қатъий ўрнатилган қоидалар асосида олиб борилган. Агар судья қонунлардан четга чиқиб ишни ҳал қиладиган бўлса, у қаттиқ жазога тортилар, ҳаттоки даъво талабининг 12 бараваргача миқдорда жарима тўлар эди (қонуннинг 5 ва 13-моддалари).

Бобил империясида судловни юритиш хусусий айблов хусусиятига эга эди. Шу боис, ишнинг муҳокамаси манфаатдор шахс томонидан судда даъ-

во кўзғатиш орқали дарҳол амалга оширилди. Қонунда ёзилганидек: "...ўзини камситилган деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши баҳслашув учун менинг ёдгорлик тошимга битилган "Ҳаммурапи энг одил шох" деган сўзларимни ўқисин ва ўзининг дардларини баён қилсин ва у [суддан] одилликни топгай, ўзининг юрагини эркин нафас олишга имкон бергай"¹³.

Аммо давлат тўнтариши ёки давлат ёйинки жамоат мулкани ўзлаштириш жиноятлари бўйича иш кўзғатиш маҳаллий маъмурий органлар томонидан амалга оширилди, бундай жиноятлар бўйича жиноят содир этган шахсни қидириб топиш ва уни қамоққа олиш чораларини қўллашни ҳам ана шу органлар таъмин этарди¹⁴.

Ҳаммурапи қонуни фуқаролик ва жиной ишларни қатъий равишда ажратмас, амалга ошириладиган судда иш юритиш айблов-тортишувга асосланган эди, шунинг учун исботлаш вазифаси доим тарафларнинг ўзларига юклатилган эди. В.В.Кучма таъкидлаганидек, Бобил судлов юритуви "эквивалентлик принципига" асосланган бўлиб, унга мувофиқ айблов ва аксилайблов тарафлар тенглаштирилган эди¹⁵.

Суд муҳокамаси доимо котибнинг муҳокамасига

келган тарафларни ҳамда муҳокама қилинадиган давронинг мазмунини эълон қилиш билан бошланар, муҳокама даврида ордалидан, яъни турли синовлар ўтказишдан кенг равишда фойдаланиларди. Синовлар асосан сувдан сузиб ўтиш билан боғлиқ эди. Агар жавобгар шахс дарёдан сузиб ўтса, айбсиз, чўкиб кетса, айбдор деб ҳисобланар, сузишдан бош тортиш айбдорлик билан тенг эди¹⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд муҳокамаси оғзаки, асосан эҳромлардаги майдонларда амалга оширилиб, халқнинг судда иштирок этиши таъминланган эди. Ишни ҳал қилишда гувоҳлар иш бўйича асосий далиллар қаторига киритилган эди. Суднинг қарори эса ёзма — тахтачада битилиб, муҳрлангандан сўнг дарҳол эълон қилинарди. Ўлим жазоси ҳамда баданнинг бир қисмини кесиб ташлаш каби жазолар ҳукм эълон қилиниши билан ижро этиларди¹⁷.

Шундай қилиб, Бобил империясининг ҳуқуқини, шунингдек унинг суд ҳуқуқини ўша даврдаги Шарқ мамлакатларининг энг илғор юридик тизими сифатида кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Ҳаммурапи қонунлари умуминсоний миқёсда ҳуқуқий тафаккур ривожланишининг муҳим босқичи бўлиб хизмат қилди.



¹ История государства и права зарубежных стран: учебник / А.В.Вениосов [и др.] ; под ред. А.В.Вениосова. 2-е изд. –Минск: Тетра-Системс, 2012. –С.17.

² Юқоридаги манбада. –С.17.

³ Тарихий манбаларда Миср ҳуқуқининг "42-муқаддас китоблар" шаклидаги тизимлашган ёзма ҳужжатлари мавжудлиги ҳақида маълумот берилди.

⁴ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: в 2 т. / отв. ред. Н. А. Крашенинникова. Т.1: Древний мир и Средние века / [сост. О. Л. Лысенко, Е. Н. Трикоз]. –М., Норма, 2007. –С.28.

⁵ Иванов А.А. История государства и права зарубежных стран: учеб.пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / А.А.Иванов. –М., ЮНИТИ-ДАНА, 2012. –С.18.

⁶ История государства и права зарубежных стран: учебник / Под ред. А.В.Вениосова. 2-е изд. –Минск: Тетра-Системс, 2012. –С.26.

⁷ Юқоридаги манбада. –С.27.

⁸ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: в 2 т. / Отв. ред. Н. А. Крашенинникова. Т.1: Древний мир и Средние века / [сост. О. Л. Лысенко, Е. Н. Трикоз]. –М., Норма, 2007. –С.30.

⁹ Кудинов О.А. История государства и права зарубежных стран: Учебно-практическое пособие / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. –М., МЭСИ, 2004. –С.13.

¹⁰ Законы Вавилонии, Ассирии Хеттского царства / Пер. и коммент. И.М.Дьяконова // Вестник древней истории. 1952. – №3. –С.309-311.

¹¹ Кучма В.В. Государство и право Древнего мира и Средних веков: В двух частях. –Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 2001. –С.80.

¹² Законы Вавилонии, Ассирии Хеттского царства / Пер. и коммент. И.М.Дьяконова // Вестник древней истории. 1952. – №3. –С.309-311.

¹³ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: в 2 т. / Отв. ред. Н.А.Крашенинникова. Т.1: Древний мир и Средние века / [сост. О.Л.Лысенко, Е.Н.Трикоз]. –М., Норма, 2007. –С.18.

¹⁴ Кучма В.В. Государство и право Древнего мира и Средних веков: В двух частях. –Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 2001. –С.81.

¹⁵ Иванов А.А. Юқоридаги манбада. –С.24.

¹⁶ История государства и права зарубежных стран: учебник / Под ред. А.В.Вениосова. 2-е изд. –Минск: Тетра-Системс, 2012. –С.43.

Дилфуза ИМАМОВА,
 Старший научный сотрудник-соискатель кафедры
 “Международное коммерческое (частное) право”
 Ташкентского государственного юридического
 университета, к.ю.н.

ОБЯЗАТЕЛЬСТВЕННЫЙ СТАТУТ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СДЕЛОК

- ◆ Ушбу мақолада муаллиф томонидан ташқи иқтисодий битимларда мажбурияли статут тушунчаси ва унинг аҳамияти кўриб чиқилган, миллий ва хорижий қонунчилик, ҳамда халқаро ҳуқуқий нормаларда қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси тавсифланган.
- ◆ В данной статье автор рассматривает понятие и значение обязательственного статута во внешнеэкономических сделках, определение сферы действия применимого права согласно национальному и зарубежному законодательству, а также международно-правовым нормам.
- ◆ In this article author considers concept and value of the obligations statute of the foreign economic transactions, definition of the scope of the applicable law in accordance with national and international legislation, also international legal norms.

Таянч сўзлар: мажбуриятли статут, ташқи иқтисодий битимлар, қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси, коллизия нормалар коллизия боғловчи, тарафлар эркининг автономлиги.

Ключевые слова: обязательственный статут, внешнеэкономические сделки, применимое право, сфера действия применимого права, коллизионные нормы, коллизионная привязка, автономия воли сторон.

Key words: statute of obligations, foreign economic transaction, applicable law, the scope of the applicable law, conflict of laws rules, conflict binding, autonomy of the will of the parties.

Обязательственный статут играет важное значение при заключении внешнеэкономических сделок, который понимается как право, подлежащее применению к обязательственным отношениям, возникающим как в силу односторонних сделок, так и в силу заключенных сторонами контрактов. Обязательственный статут устанавливается во внешнеэкономических сделках в случаях, когда стороны по взаимному согласию выбрали право, подлежащее применению в контракте (по принципу автономии воли сторон), а при его отсутствии определяется судом или иным органом путем использования коллизионных норм по возникшему спору. Термин «статут» означает «закон, регулирующий существо правоотношения».

Среди различных авторов нет единого мнения о том, что распространяется ли обязательственный статут на односторонние сделки или нет. Так, например, М.М. Богуславский пишет, что под обязательственным статутом в международном частном праве понимается право, подлежащее применению к обязательственным отношениям, возникающим, как в силу односторонних, так и в силу заключенных между сторонами сделок¹.

Обязательственный статут представляет собой

совокупность норм подлежащего применению права, регулирующих содержание сделки, ее действительность, порядок исполнения, права и обязанности сторон, ответственность сторон и условия освобождения сторон от ответственности, определяющиеся в соответствии с выбранными самими сторонами правовых норм.

Заключая внешнеэкономические сделки стороны вправе подчинить регулирование своих прав и обязанностей любому законодательству будет ли это национальное законодательство одной из сторон либо любого государства, а в случае его отсутствия определяется на основании коллизионных норм.

При заключении внешнеэкономических сделок определении применимого права к контрактным обязательствам является наиболее сложным вопросом так, как связано с волеизъявлением обеих сторон являющиеся субъектами внешнеэкономических и торговых отношений. Следует отметить, что проблему выбора применимого права необходимо рассматривать шире, так как имеются возможности выбора не только применимого национального права, но и различных правовых систем (национальной и международной), а также возможность

выбора между различными источниками права в рамках одной правовой системы, например, если речь идет о выборе между двумя коррелирующими международными договорами² или может быть *lex mercatoria*, как международный торговый обычай, к примеру Принципы УНИДРУА в силу его рекомендательного характера могут применяться к конкретным контрактам, только при условии, если стороны контракта согласились, что их контракт будет регулироваться Принципами, то в ином же случае их применении по конкретной внешнеэкономической сделке не подлежит.

В юридической литературе отмечается, что право, применимое к договорным обязательствам, образует так называемый обязательственный статут, под которым понимается право, подлежащее применению к обязательствам, вытекающим из внешнеэкономической сделки, либо «...право, регулирующее существо отношения (*lex causae*)»³.

А.Б. Покровская определяет статут правоотношения, как определенный на основе коллизионной нормы или соглашения сторон правопорядок, регулирующий совокупность элементов правоотношения, в том числе все или большинство вопросов его существования⁴.

В соответствии с законодательством Республики Узбекистан коллизионные нормы, с которыми устанавливается право, применимое к договорам, содержатся в ст. ст. 1189 — 1190 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, а сфера действия применимого права определено в ст. 1192 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Термин «обязательственный статут» применяется и для обозначения сферы действия права, подлежащего применению к договору согласно ст. 1192 Гражданского кодекса Республики Узбекистан в частности, к ним относятся: толкования договора, права и обязанности сторон, исполнение договора, последствия неисполнения или недействительности договора, прекращение договора, последствия ничтожности и надлежащего исполнения договора, уступка требований и перевод долга в связи с договором.

Толкование договора является одной из наиболее важных проблем, которые входят в сферу действия применимого права в договорных отношениях. Толкование договорных условий судом в случае возникновения спора является одним из основных способов определения того, надлежаще или не надлежаще исполнено обязательство по данному договору⁵.

К сфере действия права, подлежащего применению к договору, не относятся, т.е. исключаются из обязательственного статута, вопросы правосубъектности и правоспособности сторон договора, которые определяется личным статутом, а также на вопросы, определяемые статутом вещных прав, на требования к форме сделки⁶. Также из обяза-

тельного статута исключаются вопросы представительства и доверенности на совершение договора, которые определяются на основании самостоятельных коллизионных привязок⁷. За рубежом существуют различные подходы относительно права, применимого к полномочиям представителя. Так, в юридической науке Нидерландов, Германии, Швейцарии и Франции таким правом признается право места нахождения делового заведения (*business establishment*) представителя⁸.

Вопросы исковой давности также не включаются в обязательственный статут договора в тех странах, где институт исковой давности относится к процессуальному (страны англо-американского права), а не к материальному праву (континентальная Европа). Из сферы действия обязательственного статута исключаются вопросы о требованиях, на которые не распространяется исковая давность (требования о возмещении вреда; требования, вытекающие из личных неимущественных прав и т. п.).

Г.К. Дмитриева пишет, что за основу определения границ сферы действия обязательственного статута может быть взят главный элемент договорного обязательства — права и обязанности сторон договора. Любые вопросы, прямо не связанные с правами и обязанностями, не входят в сферу действия обязательственного статута. Однако это не означает неприменения обязательственного статута для решения вопросов, не входящих в его сферу, при наличии прямого указания в законе на то, что данный вопрос определяется обязательственным статутом. В этом случае обязательственный статут выполняет функцию особой коллизионной привязки *lex causae*, которая означает закон страны, регулирующий существо отношения⁹.

— 1998 йил 6 мартдаги Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ҳудудидаги арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судларнинг қарорларини ўзаро ижро этиш тартиби тўғрисидаги Битим (Москва келишуви)⁴.

1993 йилги Минск конвенцияси бежизга ғарб олимлари томонидан “Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси” (Majoros F.) деб ном берилмаган. Унда шахснинг муомала ва ҳуқуқ лаёқати (23-, 24-м.), мулк ҳуқуқи (38-м.), даъво муддати (43-м.) ва ворислик ҳуқуқига (44-50-м.) нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ масалалари бўйича коллизия нормалар мавжуд. Шу тариқа МДХда коллизия нормаларнинг кўп томонлама унификацияси амалга оширилди.

1992 йилги Киев битими МДХга аъзо давлатлар хўжалик субъектларига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тенг имкониятларни таъминлаш заруратидан келиб чиқади. Мазкур битим аъзо давлатлар судларининг хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан, уларнинг давлат ва бошқа органлар билан муносабатларидан келиб чиқувчи ишларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари чегарасини белгилайди, шу каби ишлар бўйича ваколатли судларнинг қонуний кучга кирган қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солади ҳамда бир Ҳамдўстликка аъзо давлатнинг бошқа Ҳамдўстликка аъзо давлат ҳудудида фуқаролик қонунчилигини қўллаш қоидаларини белгилайди.

МДХ доирасида давлатлараро ҳуқуқий ҳамкорлик ташкилий тузилмалари ташкил қилинган бўлиб, бу каби асосий тузилма 1992 йил 27 мартда Олма-Отада МДХ давлатлари ўртасида еттита мамлакат томонидан ташкил этилган Парламентлараро ассамблея (Санкт-Петербург) ҳисобланади. Ушбу ташкилот собиқ Иттифоқ барҳам топганидан сўнг МДХ ҳудудида вужудга келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг кенг доирасини муҳокама қилиш мақсадида вакиллик ҳукумати маслаҳат институти сифатида ташкил қилинган. Ассамблея фаолиятининг асосини миллий қонунчиликларни яқинлаштиришга кўмаклашиши лозим бўлган тавсиявий қонунчилик актларини ишлаб чиқиш ташкил қилади. Ассамблеяга

Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Молдова, Россия, Тожикистон аъзодир. 1995 йил 25 майда эса, МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши Минскда МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди⁵. Конвенциянинг 1-моддасига кўра, ассамблея МДХ давлатлараро органи ҳисобланади. Унинг ваколатларига: аъзо давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилиш; модел қонунчилик актларини қабул қилиш ва уларни тегишли тавсиялар билан Конвенцияга аъзо давлатлар парламентларига жўнатиш; аъзо давлатлар қонунчилигини ушбу давлатлар томонидан МДХ доирасида тузилган халқаро шартномалар қоидалари билан мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилиш киради. Ассамблея томонидан қабул қилинган қонунчилик актларининг моделлари Ҳамдўстлик давлатлари парламентлари томонидан уларнинг қонунчилик фаолиятида кенг қўлланилади. Модел қонунларни қабул қилиш йўли билан — янги шароитда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш каби муҳим вазифа энг самарали тарзда ҳал қилиниши мумкин. Модел қонунларни қабул қилиш МДХ давлатлари қонунчилигини унификация қилишнинг реал йўли бўлиб қолди. Аммо ҳудудий ёки халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган модел ёки намунавий ҳуқуқий ҳужжат аъзо давлатлар учун мажбурий ҳисобланмайди, чунки у ҳуқуқий табиатига кўра фақат тавсиявий характерга эга.

МДХда 130 дан ортиқ модел қонунлар қабул қилинган бўлиб, асосий ўринни МДХ давлатларида қўлланиши ҳамда мазмун жиҳатдан аҳамияти нуқтаи назаридан Модел Фуқаролик кодекси эгаллайди. Ушбу кодекснинг VII бўлими “Халқаро хусусий ҳуқуқ” деб номланиб, 41 та бўлимдан (1194-1235-моддалар) иборат. Мазкур бўлим 1996 йил 17 февралда Парламентлараро ассамблеянинг еттинчи парламентар кенгашида қабул қилинган⁶. Расман унга саккизта давлат кирган, аммо унинг матнини ишлаб чиққан хусусий ҳуқуқ Илмий-маслаҳат маркази раиси А.Л.Маковскийнинг таъкидлашича, унинг фаолиятида аслида доимо МДХнинг барча давлатлари иштирок этади⁷. Модел Фуқаролик кодексининг қоидалари айрим ўзгартишлар билан Арманистон (1998 й.), Беларусь (1998 й.), Қозоғистон (1999 й.), Қирғизистон (1998 й.), Ўзбекистон (1996 й.) Фуқаролик кодексларида акс эттирилган.

МДХ давлатлари қонунчилигида халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида кодекслар, қонунларда акс эттирилишдан қатъий назар,

ушбу давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий халқаро тенденцияларни ва асосан Европа минтақасида мавжуд бўлган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Шу сабабли, МДХ давлатлари Модел Фуқаролик кодексининг тегишли бўлимини ишлаб чиқишда ГФР ва Нидерландиянинг ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти ҳамда айрим халқаро конвенцияларда белгиланган принциплар қўлланган.

В.П.Звеков МДХ давлатлари томонидан халқаро шартномани чет эл элементига эга хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқни унификация қилиш воситаси сифатида фойдаланилиши шубҳасиз етарли эмаслигини таъкидлайди⁸. Шунини айтиш лозимки, иштирокчи давлатлар ҳуқуқ тартиботлари унификациясини назарда тутувчи интеграция, аъзо давлатларнинг ички ривожланиши ўз йўлидан бораётганлиги сабабли секинлашмоқда ҳамда иқтисо-

дий ва сиёсий бирхиллик ҳақида гапириш ҳозирча қийиндир⁹.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мустақилликнинг дастлабки йилларига қараганда МДХ давлатларининг ҳуқуқ тартиботи унификациясини назарда тутувчи интеграция нисбатан секинлашмоқда ва аксарият мамлакатлар учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий суверенитети биринчи ўринга чиқмоқда. Шу қаторда, аксарият МДХ давлатларининг ташқи иқтисодий оқимининг узок хориж давлатларига йўналтирилиши кузатилмоқда ҳамда кредит-инвестиция соҳасида учинчи мамлакатлар ролининг тобора кучайиши тенденцияси намоён бўлмоқда. Кўрсатилган ҳолатлар халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда, давлатларнинг бу борада ўзининг қатъий позициясини эгаллаши, қонунчилигидаги бўшлиқларни замон талабларига мос равишда тўлдирилишини тақозо этади.



¹МДХ давлатлари Кенгаши йиғилиши. 10.10.2014. Минск / www.youtube.com

² Информационный вестник Совета глав государств и Совета глав правительств СНГ "Содружество". 1992. –№4; Международное частное право: Сб. норм. актов / Сост. Г.К.Дмитриева, М.В.Филимонова. 3-е изд. –М., 2004. –С.175-177.

³ Информационный вестник Совета глав государств и Совета глав правительств СНГ "Содружество". 1994. N 1.

⁴ Современное международное частное право в России и Евросоюзе. Монография. Книга 1. / Под ред. М.М.Богуславского, А.Г.Лисицына-Светланова, А.Трунка. –М., Норма, 2013. –С.119.

⁵ Ушбу Конвенция Молдова, Ўзбекистон, Украина ва Туркменистон томонидан имзоланмади.

⁶ Звеков В.П. Международное частное право: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. –М., Юристь, 2004. –С.96.

⁷ Маковский А.Л. Некоторые оценки оказания помощи при разработке законодательства и состояния международного сотрудничества // Пути к новому праву. –С.356.

⁸ Звеков В.П. Юқоридаги манбада. –С.99.

⁹ Лукашук И.И., Шинкаревецкая Г.Г. Международное право: элементарный курс. –М., 2000. –С.110.

Қундуз РОЗИМОВА,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

- ◆ Мақола жазо тушунчасининг ўзига хос хусусиятларига ва суд томонидан жазо тайинлашда инобатга олинadиган умумий қоидаларга бағишланган.
- ◆ Статья посвящена особенностям определения наказания, обстоятельств и общим правилам, которые должны быть приняты во внимание судом при определении наказания.
- ◆ Article is devoted to peculiarities of determination of punishment, circumstances and general rules which are should be taken into account by the courts while determining the penalties.

Таянч сўзлар: жиноят қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи, жазо, жазолар тўғрисидаги таълимот, жазолаш тизими, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва сабаблари.

Ключевые слова: уголовное законодательство, уголовное право, наказание, учения о наказаниях, системы наказания, социальная опасность и причины преступления.

Key words: criminal legislation, criminal law, punishment, penalty, issue of determination of a penalty, penal system, social danger of the crime, reason, general rules.

Маълумки, хорижий давлатлар қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш миллий ҳуқуқ тизимининг ўзга давлатлар ҳуқуқ тизимини тасаввур этиш имконини беради. Рене Давиднинг таъкидлашича: “Дунё ягона бўлмақда, биз бошқа давлатларда, курраи заминнинг бошқа чеккаларида яшаётган инсонлардан ажрала олмаймиз. Зарур халқаро муносабатлар ёки оддийгина мавжудлик ҳам биздан хорижий мамлакатлар ҳуқуқига назар солишни талаб этади”¹. Америкалик профессор Дж.Флетчер ҳам ўз илмий изланишларида хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш муҳим илмий хулосалар чиқаришга ҳамда турли ҳуқуқий тизимларни янада яқинлаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган².

Хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимлари асарларида жазо тайинлаш институти айниқса, унинг тушунчаси борасида турлича ёндашувларни учратиш мумкин. Жумладан, М.Г.Шаргародскийнинг фикрича, жазо тайинлаш жиноятчини, унга тегишли бўлган у ёки бу манфатлардан маҳрум қилиб, жиноятчини ва унинг жиноий фаолиятига давлат томонидан салбий баҳо беришдир³. Жазо тайинлаш тушунчаси ҳақида сўз кетганда С.И. Деменьтев жазо тайинлаш бу жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жафо келтириши ва муайян ҳуқуқлардан маҳрум бўлишига дучор бўладиган махсус мажбурлов чораларини қўллаш

жараёнидир⁴.

Хорижий давлатлар олимларининг бу борадаги қарашларини таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар масаласига ёндашув турлича эканлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, В.М.Лебедевнинг умумий таҳрири остида чоп этилган Россия Федерациясининг Жиноят кодексига шарҳларда жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларга адолатли ва мақсадга мувофиқ жазонинг кафолати сифатида таъриф беришар экан, жиноят қонундан келиб чиқиб, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Бунда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери ҳисобга олиншини таъкидлаб, асосий эътиборни қасд йўналтирилган ижтимоий муносабатларга қаратадилар ҳамда бунда содир этилган жиноятнинг усули, мотиви, айбнинг шакли, малакаловчи белгилари, ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий аҳамияти муҳимлигини қайд этадилар. Ижтимоий хавфлилик даражасининг аҳамияти ҳақида сўз кетганда, олимлар мазкур тоифани ҳар бир шахснинг жиноят содир этишдаги ролини аниқлаш билан боғлиқлигини қайд этиб, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлардан бири эканлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, олимлар жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар қаторига жиноят содир этиш босқичи, жиноят содир қилган субъек-

тнинг шахсини ўрганиш, унинг илгари судланганлиги, айби оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан бирга жиноят содир этган шахснинг оилавий шароити ҳам ҳисобга олинишини таъкидлаб ўтадилар⁵.

Яна бир гуруҳ россиялик ҳуқуқшунос олимлар эса, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларни таҳлил қилар экан, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар заруратини қуйидаги икки омил билан асослайдилар:

биринчидан, таъсир чораларини танлашнинг қонуний чегарасини аниқлаштириш;

иккинчидан, суд жазо тайинлашда инкор эта олмайдиган омилларни аниқлаш.

Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, мазкур гуруҳдаги олимлар жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтадилар:

— жиноятнинг ижтимоий хавфлилик характери ва даражаси;

— айбдорнинг шахси, унинг психологик ва биологик хусусиятлари, судланганлиги, жиноят содир қилган вақтда қандай алкоғолли ичимликлар таъсирида бўлганлиги, жамоат тартибini бузиши ва ҳ.к.;

— жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари;

— маҳкумнинг оилавий шароити, яъни бунда маҳкумнинг оилада ягона боқувчи эканлиги, унинг қарамоғида кекса ота-онаси ва вояга етмаган болалари борлиги;

— содир этилган жиноятнинг якунига етказилганлиги ёки жиноят содир этган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятнинг тугалланмай қолганлиги⁶.

А.И.Рарог масъул муҳаррирлигида тайёрланган Россия Федерациясининг Жиноят кодексига шарҳларида эса, яна бир гуруҳ олимлар жазо тайинлашнинг умумий асосларига суд томонидан ҳар бир судланувчига жазо тайинлашда мажбурий амал қилиши лозим бўлган қонунда белгиланган асосий талаблар сифатида таъриф бериб ўтар эканлар, бунда жазо тайинлашнинг умумий асослари қонунийлик, жазонинг одиллиги ва индивидуаллиги тан олиншини таъкидлаб ўтадилар. Ўз навбатида, жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида қуйидаги ҳолатларни санаб ўтадилар:

— жазонинг максимал муддати муайян жиноят учун белгиланган чегарадан ўтмаслигини;

— жазонинг индивидуаллаштирилганлигини айти пайтда ушбу гуруҳга мансуб олимлар мазкур ҳолатларга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерини, айбдорнинг шахсини, шунингдек, барча ижтимоий хусусиятларини, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, айбдорнинг оилавий шароитларини⁷.

А.В.Наумовнинг қайд этишича, жазо энг аввало, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характеридан келиб чиқиб тайинланади. Шунингдек, мазкур олим, жазо тайинлашда айбдорнинг шахси, илгари судланганлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, оилавий аҳволини жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида келтириб ўтади⁸.

Бир қатор хорижий мамлакатларнинг жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш масаласи қай тартибда белгиланганлигига алоҳида тўхталиб ўтаемиз.

Грузия Жиноят кодексининг 53-моддасида жазо тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра жазо тайинланганда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг мотиви ва мақсадлари, аниқланган ҳуқуққа қарши ирода, айбдорнинг жабрланувчи билан ярашганлиги, биринчи навбатда етказилган зарарнинг қоплаганлиги, айбдорнинг содир этган қилмишидан кейинги хулқи, айбдорнинг олдинги ҳаётидаги шахсий ва иқтисодий шароити, мажбуриятларнинг бузилиш чоралари ва характери, турлари, усуллари ва ҳуқуққа қарши ҳаракатни амалга ошириш натижаси эътиборга олиншини белгиланган⁹.

Украина Жиноят кодексининг 65-моддасига биноан, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айбдорнинг шахси ва жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари ҳисобга олинса, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасида эса, суд жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштириш принциpidан келиб чиқиб, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери, қилмишнинг мотиви ва мақсади, айбдорнинг шахси, етказилган зарар миқдори, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, иш бўйича жабрланувчининг айбланувчи ҳақидаги шахсий фикри ҳисобга олиниб, ҳукмда танланган жазо чораси асослаб берилади¹⁰.

Туркменистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига биноан, жазо тайинлашда жиноятнинг оғирлиги ва характери, қилмишнинг мотив ва мақсади, оқибати, айбдорнинг шахси, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, шунингдек оилавий аҳволи ва тайинланadиган жазонинг таъсири ҳисобга олиншини белгиланган¹¹.

Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасида жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери, айбдорнинг шахси, шу жумладан жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, шунингдек маҳкумни тузатишда тайинланadиган жазонинг таъсири ва оилавий ҳаёти ҳисобга олиниши мустаҳкамланган¹².

Испания Жиноят кодексининг 260-моддасига

биноан жазо тайинлашда зарарнинг қиймати, кредиторларга етказилган зарар миқдори ва уларнинг иқтисодий ҳолати ҳисобга олинishi керак. Бундай ҳолларда суд ёки трибунал қилмишнинг оғирлиги ва ҳуқуқбузарнинг шахсий аҳволини, шахснинг олдинги ҳаётини ҳисобга олади¹³.

Швеция жиноят қонунчилигига кўра, суд жиноятнинг жинойий аҳамиятидан ташқари жазони қуйидагиларга мос равишда белгилаш лозимлиги қайд этилган:

— жиноят натижасида айбланувчи оғир тан жароҳати олган ёки йўқлигини;

— айбланувчи кимгадир қарам бўлган ҳолда жиноят содир этганлиги, шунингдек жиноят натижасида етказилган зарарни чегараси ёки жиноятни олдини олиш учун қилган ҳаракатини;

— айбланувчи ихтиёрий равишда ўзининг жинойий ҳаракатларини фош қилганлигини;

— айбланувчини жиноят натижасида қийналганлигини ҳис қилганлигини ёки корхона фаолиятини амалга оширганда ёхуд асосий оғир ишларни бажаришда ёки бошқа ихтилофларга дуч келганда, ишдан четлаштириш натижасида қийналганлигини ҳис этишини етарли даражада асосли деб топганини¹⁴.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жазо тайинлаш-

да ҳисобга олинадиган ҳолатлар турлича бўлиб, бунда асосан давлатнинг ривожланиш даражаси, қайси ҳуқуқ оиласига мансублиги, миллий қонунчиликнинг умумий хусусияти, муайян минтақада жойлашганлиги каби омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, Испания Республикаси Жиноят кодексида кўриб ўтганимиздек, жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган асосий ҳолат қарзларнинг ундирилганлиги бўлиб ҳисобланса, Швеция Жиноят кодексида эса, жиноят натижасида жабрланувчига тан жароҳати етганлиги, айбланувчининг ўз ҳаракатларини ихтиёрий равишда фош этганлиги кабилар ҳисобга олинади. Шунингдек, суд жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларга имтиёз бериши лозим. Швециянинг жиноят судлов ишларини юритишда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланиши жиноятларнинг олдини олишда самарали восита саналади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, хорижий мамлакатларда жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар унчалик бир-биридан фарқ қилмаса-да, ўзига хос аҳамиятга эга. Айрим давлатлардаги жазоларнинг алоҳида турлари бошқа давлатлар жиноят қонунчилигида умуман назарда тутилмаган.



¹ Тахиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТДЮИ, 2009. — Б.6.

² Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. — М.: Юристъ, 1998. — С.8; Уголовное право зарубежных стран. Общая часть: Учебное пособие / Под ред. И.Д.Козочкина. — М.: Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А.С.Грибоедова, 2003. — С.5.

³ Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. Л. 1973. — Б. 12-13.

⁴ Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно правовая и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981, 45-бет.

⁵ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации/Отв. ред. В.М. Лебедев. — 3-е изд., доп. и испр. — М.: Юрайт-Издат, 2004. — С. 67-69.

⁶ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: (постатейный)/В.К. Дуюнов и др., отв. ред. Л.Л. Кругликов. — Волтерс Клувер, 2005 г. — С. 52-55.

⁷ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. — 2-е изд., перераб. и доп./отв. ред. А.И. Рапог. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. — С. 53.

⁸ Наумов А.В. Практика применения Уголовного кодекса Российской Федерации: комментарий судебной практики и доктринальное толкование. — Волтерс Клувер, 2005 г. — С.125.

⁹ Georgia Criminal Code. http://www.wipo.int/wipolex/en/text.jsp?file_id=209028

¹⁰ Уголовный кодекс Украины <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/134-yku.html>

¹¹ Уголовный кодекс Туркменистана <http://www.legislationline.org/ru/documents/action/popup/id/14380/preview>

¹² Criminal Code of the Azerbaijan Republic. <http://www.legislationline.org/download/action/download/id/1658/file/4b3ff87c005675cfd74058077132.htm/preview>

¹³ Spanish Criminal Code. http://www.oas.org/juridico/spanish/mesicic2_grd_criminal_code.PKF

¹⁴ The Swedish Penal Code. <http://www.government.se/contentassets/5315d27076c942019828d6c36521696e/swedish-penal-code.pdf>

Ширин ТУЛЯГАНОВА,
Старший научный сотрудник-соискатель
Ташкентского государственного юридического университета

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН ПО ДОГОВОРУ ОБ ОКАЗАНИИ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

- ◆ Мақолада туризм хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тарафлари жавобгарлиги ёритилган.
- ◆ В статье урегулировано ответственность сторон по договору об оказании туристических услуг.
- ◆ This article regulated the responsibility of parties to a contract for the provision of tourism services.

Таянч сўзлар: туризм, туристик фаолият, туристик хизматлар, туристик агентликлар, шартномани бажариш, санкция.

Ключевые слова: туризм, туристическая деятельность, туристические услуги, туристические агентства, исполнения договора, санкция.

Key words: tourism, tourist activities, travel services, travel agencies, contract performance, the sanction.

Вопрос ответственности по договору оказания туристических услуг в силу своей неоднозначности этой отрасли имеет в системе гражданско-правового регулирования особое значение. Специфика туристических отношений состоит в возложении, во-первых, исполнения организатором путешествия туристического обязательства на третьих лиц, которые фактически исполняют обязательство должника, не находясь при этом в правовой связи с туристом; во-вторых, ответственности организатора путешествий за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательства на третьих лиц, на которых было возложено исполнение. В силу этого, противоправность поведения туроператора, влекущую соответственно, его гражданско-правовую ответственность по договору на оказание туристической услуги может выражаться в следующих действиях (бездействиях):

— ненадлежащее исполнение обязанностей, установленных законом или договором, которые туроператор обязан исполнить лично;

— ненадлежащий выбор контрагентов, непосредственно оказывающих услуги, входящих в предмет договора либо формирующих туристическую услугу (туроператора). В данном случае следует исходить из того, что туроператор, формируя или реализуя уже сформированную комплексную туристическую услугу должны действовать с достаточной степенью заботливости, осмотрительнос-

ти и разумности при выборе контрагентов исходя из обычаев делового оборота;

— неосуществление контроля за качеством исполнения отдельных услуг, входящих в состав комплексной туристической услуги, оказываемых третьими лицами, с которыми туроператор состоит в договорных отношениях.

Обратим внимание на то, что туроператор освобождается от ответственности за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательства только в случае, если докажет, что это произошло вследствие непреодолимой силы. Необходимо отметить, что туристический договор является публичным договором, поэтому уклонение турфирмы от его заключения является не допустимым, в противном случае турист вправе обратиться в суд с иском о понуждении заключить договор и потребовать возмещения убытков, причиненных необоснованным уклонением от заключения договора. Актуальным вопросом в рассматриваемой сфере является разграничение ответственности между туроператором и турагентом. Национальное законодательство о туризме не разграничивает ответственность турагента и туроператора за неисполнение или ненадлежащее исполнение услуг по договору с туристом. Турист вправе требовать исполнения всех услуг и от туроператора и от турагента независимо от того, кем эти услуги оказываются.

Согласно Международной конвенции по контракту на путешествие, организатор путешествия несет ответственность за любые убытки, понесенные путешественником в результате полного или частичного неисполнения своих обязательств¹. В международном праве вопрос о распределении ответственности между туроператором и турагентом решается иначе. Так, в Типовом контракте, подлежащем подписанию туристическим агентством и клиентом, согласно директиве ЕЭС, на турагента возлагается только та ответственность, которая вытекает из его посреднических функций. Ответственность за обязательства, связанные с организацией путешествия, возлагается на туроператора². Мы считаем, что туристическое законодательство должно четко разграничить ответственность между турагентом и туроператором, так как они связаны только договорными гражданско-правовыми отношениями. В случае предъявления претензий за ненадлежащее качество обслуживания турагенту, у которого приобреталась путевка (что зачастую и происходит), последний, как правило, не знает всех деталей организации тура, не может оценить достоверность предъявленных суду доказательств, и в результате — не в состоянии эффективно защитить в суде свою позицию и проигрывает дело. С другой стороны, проблемы, возникающие в процессе реализации тура, зачастую имеют в своей основе недобросовестное поведение турагента. Желая реализовать тур, турагент формирует у потребителя явно завышенные ожидания, не соответствующие объективному описанию тура. Недостоверность информации и ошибки турагента выявляются уже на месте, и претензии по этим вопросам адресуются принимающей стороне — это, как правило, представитель туроператора, которому приходится нести ответственность. Тем самым, в основе возникшей проблемы лежит нечеткость законодательного регулирования в сфере разграничения ответственности турагента и туроператора. В связи с этим, мы считаем необходимым внесение в действующее законодательство изменений, которые бы четко разграничили ответственность, а именно: турагент отвечает за деятельность, связанную с реализацией тура, то есть за точность передачи информации, полученной от туроператора, клиенту, за правильность бронирования и оформления документов, за сроки оплаты — все то, что связано с выполнением его посреднических функций. Туроператор, в свою очередь, отвечает за организацию тура, информацию об условиях проведения тура, то есть за все, что связано с формированием и исполнением тура. Экономическая сущность деятельности турагента состоит обычно в оказании консультационных, информационных

и посреднических услуг, а не в предоставлении туристического обслуживания, поэтому в законодательстве необходимо предусмотреть возможность ограничения ответственности турагента его собственными действиями и упущениями. В свою очередь, противоправность поведения туриста выражается в неисполнении или в ненадлежащем исполнении обязанностей, возложенных на него договором или законом при условии его информированности. В отличие от исполнителя, потребитель несет ответственность только за собственные действия (бездействия), а также за действия лиц, законным представителем которых он является. Основной мерой ответственности туриста за неоплату или несвоевременную оплату оказанной туристической услуги является уплата процентов за неправомерное пользование чужими денежными средствами. Анализ содержания договоров возмездного оказания туристических услуг показывает, что туроператоры стремятся минимизировать перечень ситуаций, при которых они могут быть привлечены к гражданско-правовой ответственности. Установив строгий режим штрафных санкций для туристов, туроператоры нередко исключают из содержания договора условия об ответственности услугодателя в случае отклонения взятых на себя обязательств относительно качества и сроков оказания туристической услуги.

В связи со сложившейся в договорной практике проблемой диспропорции в вопросах правового регулирования ответственности сторон по договору возмездного оказания туристической услуги, в договоре возмездного оказания туристической услуги необходимо четко оговаривать рамочные условия и размер ответственности сторон, а также основания освобождения от ответственности за неисполнение, либо за ненадлежащее исполнение условий договора возмездного оказания туристической услуги.

Остановимся на наиболее актуальных и спорных с позиции теории и практики вопросах установления мер ответственности по договорам, связанным с оказанием туристических услуг. Так, проблема риска заказчика получить услугу, несоответствующую его ожиданиям и представлениям о качестве, особенно актуальна при оказании туристических услуг. Несомненно, возложение бремени риска не достижения результата (удовлетворения потребности туриста в путешествии и удовлетворения соответствующих потребностей в процессе путешествия) на туроператора (турагента), обязанность последнего предоставлять туристу полную и достоверную информацию об особенностях путешествия, составе туристической услуги, а также обязательность сертификации туристических услуг позволяют минимизировать риск

туриста получить услугу ненадлежащего качества.

Комплексный характер туристической деятельности затрудняет установление единого показателя оценки качества обслуживания. Влияние ряда факторов экономического, организационного, технического и т.д. характера не позволяет измерить качество обслуживания в различных видах туристической деятельности по одному и тому же показателю. Многоплановый характер туризма предполагает применение всеохватывающего критерия оценки, который объединил бы в себе общее, специфическое и единичное процесса обслуживания. В силу этого, можно сказать, что проблема обеспечения качества туристической продукции носит в современном мире универсальный характер. От того, насколько успешно она решается, зависит многое в развитии любой отрасли. Однако показатели качества, а также проблемы, связанные с выпуском качественной продукции, специфичны для каждой отрасли, в том числе и для сферы туризма.

Следующим интересным моментом, заслуживающим по нашему мнению внимания, является то обстоятельство, что на лиц, осуществляющих предпринимательскую деятельность, приобретающих туристические услуги с целью извлечения прибыли законодательство о защите прав потребителей не распространяется. Судебная практика также идет по пути непредставления защиты лицам, приобретающим туристские услуги не для личного пользования³.

Таким образом, по нашему мнению, в качестве дополнительного средства надежности туроператора, и возможности получить достоверную информацию о его деятельности может послужить создание единого реестра туроператоров. В таком реестре могут содержаться следующие сведения о туроператоре: полное и сокращенное наименования, адрес, сведения об учредителях туроператора, серия, номер и дата выдачи доку-

мента, подтверждающего факт внесения записи в единый государственный реестр юридических лиц, серия, номер и дата выдачи свидетельства о постановке на учет в налоговом органе, идентификационный номер налогоплательщика, сведения о руководителе туроператора, срок действия договора страхования гражданской ответственности либо банковской гарантии, наименование организации, предоставившей финансовое обеспечение, сфера туроператорской деятельности (международный, внутренний и т.д.), а также адреса структурных подразделений туроператора. Внедрение такой практики в Узбекистане может благоприятно отразиться на защиту прав потребителей туристических услуг.

Таким образом, можно сделать вывод, что наряду с общими правилами наступления гражданско-правовой ответственности для обязательств, вытекающих из договора возмездного оказания туристической услуги необходимо закрепление в законе специальных правил. Это предложение обусловлено следующими обстоятельствами: во-первых, потребитель туристической услуги является слабой стороной договора. В связи с этим, он нуждается в дополнительных гарантиях защиты своих прав по сравнению с другими участниками гражданского оборота; во-вторых, туроператор и турагент выступают в качестве профессионалов на рынке оказания туристических услуг; в-третьих, туроператор как сторона договора несет перед клиентом ответственность за действия третьих лиц, непосредственно оказывающих услуги, которые входят в состав сформированной и выставленной на рынок туристической услуги.


Неисполнение или ненадлежащее исполнение договора возмездного оказания туристской услуги, а также причинение вреда жизни и здоровью туриста при потреблении услуги является основанием для привлечения туроператора к гражданско-правовой ответственности.



¹ Конвенцией предусмотрены следующие суммы по возмещению убытков, понесенных путешественником: 50000 франков за физический ущерб, 2000 франков за материальный ущерб, 5000 франков за любой другой ущерб со стороны организатора путешествия и 10000 франков со стороны посредника. Международная конвенция по контракту на путешествие // Турфирмы. 1995. — № 8. — С.84.


² Директива ЕС «Типовой контракт, подлежащий подписанию между туристским агентством и клиентом» № 90/134 от 13 мая 1995 года // Организационно-правовые основы туристского и гостиничного бизнеса. — М., 1998. — С.79.

³ Так, гражданин А., купил 30 путевок в Прагу, затем перепродал их ученикам школы, директором которой он был. В поездке туристской организацией были нарушены некоторые условия договора: предоставлена гостиница не того класса, вместо трехразового питания детей кормили два раза в день. По возвращении из поездки гражданин А. предъявил иск к туристской организации. На основании закона «О защите прав потребителей» в иске ему было отказано, так как эти путевки приобрел гражданин А. не для личного пользования, а для их последующей перепродажи.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўқув жараёнини методик таъминлаш бўлими томонидан "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш" мавзусида илмий-амалий конференция материаллари тўплами тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д. Қ.Р.Абдурасулова, - Тошкент, 2016 й.).

Мазкур тўплам 2016 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш" мавзусидаги илмий-амалий конференция материалларини ўз ичига олган.




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов ва Бош прокуратура Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи С.М.Астонов ҳаммуаллифлигида "Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов, ю.ф.н., доцент Ш.А.Исмоилов, Тошкент - 2016 й.).

Мазкур илмий-амалий қўлланмада суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги хабарларнинг кўриб чиқилишига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг асослари, уларга оид жиноятлар ҳақидаги хабарларни текшириш ва уларнинг терговини амалга оширишда суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти устидан назоратни ташкил қилиш масалалари, прокурор томонидан вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақидаги

хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал қилишга оид қонунларнинг дастлабки тергов органлари томонидан ижро этилишини текшириш, бу тоифадаги жиноятларни тергов қилишда дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил қилиш, дастлабки терговда вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари таъминланиши устидан прокурор назорати ва аниқланган қонун бузилишларга нисбатан прокурор таъсир чоралари таҳлил қилинган.

Унда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини текшириш юзасидан тавсиялар ва эътибор берилиши лозим бўлган муҳим масалалар ёритилган. Ушбу қўлланма жойлардаги прокуратура ходимларининг амалий иш фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси М.З.Раджапова томонидан "Судларда алоҳида тоифадаги фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов, К.Р.Юлбарсов, Тошкент - 2016 й.).

Мазкур амалий қўлланмада фуқаролик судларида алоҳида тартибда иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки, қонуний, асослантилган ва адолатли ҳал қилув қарорлари қабул қилинишини таъминлашда прокурорлар томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар хусусида фикр юритилиб, мавзуларга доир процессуал ҳужжатлардан намуналар келтирилган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси М.Б.Дўстқориев томонидан "Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари қонунийлигини ўрганишни ташкил этиш" мавзусидаги ўқув-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.д., доцент М.Х.Боротов, ю.ф.н. З.А.Амонов, Тошкент - 2016 й.).

Мазкур ўқув-амалий қўлланмада фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлигини ўрганишда прокуратура ходимлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, жисмоний ва юридик шахсларнинг суд қарорлари юзасидан ёзган мурожаатларини ўрганиш, ноқонуний суд қарорларига нисбатан апелляция, кассация ва назорат тартибида протест келтириш асослари, тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Қўлланмада судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки ва бу борада унга қандай талаблар қўйилиши, суд қарорлари қонунийлигини ўрганиш мезонлари, қабул қилинган қарорлар қонунийлигини апелляция, кассация ва назорат тарти-

бида ўрганиш жараёнлари, фуқаролар томонидан берилган шикоятларнинг кўриб чиқилишини мунтазам ўрганиб бориш, бу жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда прокурор томонидан келтириладиган протестлар қандай шакл ва мазмунда бўлиши лозимлиги каби масалалар ёритилган.

2016 йилнинг 10 июнь куни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда "Жиноий ишлар юзасидан далиллар мақбулликка оид процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Адвокатлар палатаси, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Олий ҳарбий божхона институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент давлат юридик университети вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва Бош прокуратуранинг Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси бошқарма бошлиғи И.Жасимов кириш сўзлари билан очиб бердилар ҳамда тадбир ўтказилишига модераторлик қилдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари Ш.Содиқов "Жиноят процессида далиллар мақбулликни таъминлашда адвокатнинг ўрни ва вазифаси" мавзусида, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг "Жиноий-ҳуқуқий" фанлар кафедраси доценти Ф.Шуқуров "Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг "Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳия-



ти" мавзусида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази бош консультанти С.Азимов "Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан далиллар мақбулликни таъминлаш масалалари" мавзусида, Ички ишлар вазирлиги Академияси "Жиноят процессуал ҳуқуқи" кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчиси, юридик фанлари номзоди, доцент Б.Рашидов "Жиноят ишларини юритишда далиллар мақбуллик билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими" мавзусида, Бош прокуратуранинг Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси катта прокурори Б.Маматқулов "Жиноят ишлари бўйича далиллар мақбулликни таъминлашда процессуал қонунчиликка риоя қилиш масалалари" мавзусида, Тошкент давлат юридик университети катта илмий ходим изланувчиси Ғ.Янғиев "Жиноят судлов ишларини юритиш юзасидан исбот қилиш институтида далиллар мақбулликнинг назарий жиҳатлари" мавзусидаги маърузалар билан иштирок этишди.



Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан 2016 йил 16 июнь куни Бош прокуратурада Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари" мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳамда Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ходимлари, ТДЮУ

профессор-ўқитувчилари, Республика маънавият таърибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, "SkS - Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсати, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, аёллар репродуктив саломатлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг натижалари ва истиқболлари, вояга етмаганларни ижтимоий мослаштириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашда "Камолот" ЁИХнинг роли, болалар соғлиғини сақлаш ва уларнинг таълим олишга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги прокурор назоратининг аҳамияти, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш ҳамда оилаларда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилишнинг муҳимлиги қайд этилди.

Конференция иштирокчиларда ушбу соҳа бўйича фикр-мулоҳазаларни алмашиш имконини берди.

Тадбир якунида таклифлар ишлаб чиқилди.

2016 йилнинг 22 август куни Олий ўқув курслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти билан ҳамкорликда Бош прокуратуранинг Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармасида ўтказилган "Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш: миллий ва халқаро стандартлар" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда Бош прокуратура, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент давлат юридик университети, Олий ҳарбий божхона институти ва Ички ишлар вазирлиги Академияси ходимлари иштирок этдилар.

Конференция доирасида Ўзбекистоннинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида олиб борилган қатъий сиёсатининг мазмун-моҳияти, миллий ва халқаро қонунчилик асослари, бу турдаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйи-



ча ички назорат тизимини ташкил этиш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирларининг аҳамияти, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг айрим йўналишларини такомиллаштиришнинг аҳамияти каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида ўз таклифларини билдиришди.

Конференция якуни бўйича тегишли таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
 - матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
 - келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
 - мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
 - матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;
 - матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
 - мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
 - мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
 - мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
 - ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.
- Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
 - исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
 - достоверность и корректность приводимой в статье информации;
 - к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
 - представление статьи на узбекском и русском языках;
 - статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
 - объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
 - на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;
 - ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.
- Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz





Наманган вилоят прокуратураси



**Норин туман
прокуратураси**



**СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси**